Оила ва жамият
Oila va jamiyat
1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган
23 сон
8–14 июн, 2006 йил

# АЁЛГА ЭҲТИРОМ - КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

**Маълумки, 2004 йил 25 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2005-2007 йилларда хотин-қизларни иш билан таъминлашга йўналтирилган Дастури қабул қилинган эди. Бу йўналишдаги ўзгаришлар, янгиликлар ҳақида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Гулнора Маҳмудовна МАЪРУФОВА билан суҳбатлашдик.**

**- Мазкур Фармондан келиб чиқиб қўмита ўз фаолиятида қандай ўзгаришлар ясади?**

- Аввало, шуни таъкидлашим керакки, мустақиллик юртимизда аёлни улуғлаш, уни ижтимоий муҳофаза қилиш, жамиятдаги нуфузини ошириш, уларга ўз истеъдод ва иқтидорини намоён этишдек бебаҳо имкониятни яратиб берди. Бу борада юртбошимизнинг ғамхўрликлари ва ҳукуматимизнинг эътиборини доим ҳис этиб турибмиз. Президентимизнинг "Биз бундан буён ҳам аёлларимизга муносиб турмуш шароити яратиб бериш, уларнинг ақл-заковати, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз", деган сўзлари ана шу эътиборнинг ёрқин ифодасидир. Бугун аёлларимиз нафақат оила бекаси, фарзандлар тарбиячиси, балки давлат ва жамият қурилишида, тадбиркорликда, иқтисодиётда, илм-фан, санъат, спорт, қўйингки, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида иқтидор эгалари эканликларини намойиш этишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосида ишимизни тубдан қайта кўриб чиқдик. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, нодавлат-нотижорат ташкилотлари(ННТ) фаолиятини мувофиқлаштириш, халқаро хотин-қизлар ташкилотлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, маҳалла маслаҳатчилари фаолиятини изчиллаштириш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, оилалардаги маънавий муҳитни соғломлаштириш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш каби йўналишларда аниқ дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг 15 фоизини, Қонунчилик палатаси депутатларининг 18 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Маҳаллий кенгашлар депутатлари орасида ҳам хотин-қизларнинг салмоғи сезиларли даражада ошди. Турли даражадаги раҳбарлик лавозимларида ишлаётган аёллар сони эса 13,5 фоиздан ошиб кетди. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш ҳудудий дастурлари тегишли бандларининг ижроси таъминлангани боис касаначилик, хусусий тадбиркорлик, фермерчилик янада ривожланди. Натижада биргина 2005 йилнинг ўзида 230 минг нафардан ортиқ аёллар иш билан таъминланди. 2007 йил охиригача эса жами 614 мингдан зиёд аёл иш билан таъминланиши режалаштирилган.

**- Оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги ишларнинг кўлами қандай?**



Она ва бола соғлиғини сақлаш давлатимиз сиёсатининг устивор йўналишларидан бирига айланган.

- Она ва бола соғлиғини самарали муҳофаза қилишни таъминлайдиган, аёлларнинг тиббий маданиятини оширишга хизмат қиладиган замонавий усуллар ва илғор шакллардан кенг фойдаланиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ҳудудлардаги репродуктив саломатлик марказлари ҳамда Саломатлик институтлари фаолияти ўрганилиб, уларнинг ишини янада яхшилаш бўйича аниқ таклифлар киритилди.

Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофазага муҳтожларга моддий ва маънавий кўмак бериш хотин-қизлар қўмиталарининг диққат марказида турибди. Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини таҳлил ва назорат этиш ишлари мунтазам йўлга қўйилгани боис оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, турмуш қураётган келин-куёвларни тиббий кўрикдан ўтказишга катта аҳамият берилмоқда.

**- "Аёл - баркамол авлод мураббийси" кўрик-танловининг республика босқичи якунларига ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

- Мазкур кўрик-танловни ўтказиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 апрелдаги "Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида белгилаб берилган эди. Ундан кўзланган асосий мақсад муносиб фарзандларни тарбиялаётган оналарни шарафлаш, уларнинг тажрибаларини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, уларнинг масъулиятли вазифаларини бажаришда билим, кўникма ва малакаларини оширишдан иборат эди.

Танлов уч босқичда ташкил этилди ва жойларда катта кўтаринкилик билан ўтди. Май ойининг дастлабки ҳафтасида бўлиб ўтган 1-босқичда туманлар ғолиблиги учун 10 мингдан зиёд оила фаол қатнашди. 8 майдан 15 майга қадар танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда 2-босқич ўтказилди ва ғолиб бўлган 14 нафар оила бекалари 5 июн куни пойтахтимиздаги "Туркистон" саройига йиғилдилар. Танлов якунига кўра, олий ўринга Тошкент вилояти, Бўка тумани вакиласи Дилором Арслонова муносиб, деб топилди. Шунингдек, 2 та биринчи, 2 та иккинчи, 3 та учинчи ўрин соҳиблари ва номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

**- Қўмитанинг хотин-қизлар ўртасида спортни оммалаштириш ва ривожлантириш борасидаги фаолияти ҳақида ҳам гапириб берсангиз?**

- Мамлакатимизда хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида спортни кенг оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб ўтишни истар эдим. Қўмитамиз Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий таълим каби бир қатор вазирликлар билан ҳамкорликда жойларда бадиий гимнастика, синхрон сузиш, теннис, стол тенниси, енгил атлетика сингари спорт турларини ривожлантириш бўйича кўпгина ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, Бухоро ва Навоий вилоятларида бадиий гимнастика, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва қатор вилоятларда синхрон сузиш ва теннис секциялари мунтазам ишлаб турибди. Бадиий гимнастика ва синхрон сузиш нафислиги билан ажралиб туради ва хотин-қизларга жуда мос. Айнан шу турлар бўйича миллий терма жамоаларимиз қизлари мунтазам равишда халқаро мусобақаларда иштирок этиб, юртимизга совриндор бўлиб қайтишмоқда. "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ўйинлари ва талабалар Универсиадаларида иштирокчиларнинг, энг асосийси совриндорларнинг каттагина қисмини қизлар ташкил этаётгани ҳам қувонарли ҳол.

Шу йил 10-13 июн кунлари Қарши шаҳрида иккинчи Республика хотин-қизлар спартакиадаси ўтказилади. Уч босқичли мазкур беллашувлар бу йил жами 1 миллион 600 мингдан ортиқ хотин-қизларни қамраб олганлигини айтиб ўтишни истар эдим. Шу кунларда вилоят босқичлари ғолиблари ўзининг 2700 йиллик тўйини нишонлаётган қадим Қарши шаҳрига йўл олишмоқда. Улар волейбол, енгил атлетика, стол тенниси, шахмат, шашка, сузиш, стритбол каби 8 та спорт тури бўйича ғолиблик учун баҳс олиб боришади.

Умуман, хотин-қизлар ўртасида спартакиада ўтказилиши спортни янада оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда самарали омил бўлиб хизмат қилади.

**- Хотин-қизлар билан ишлашдаги оғриқли нуқталар ва ечимини кутаётган муаммоларни нималарда кўрасиз?**

- Эришган ютуқларимиз, қўлга киритган натижаларимиз ўзимизники, уларни ҳеч ким инкор этмайди. Аммо маънавий-ижтимоий муҳитни барқарорлаштириш ва соғломлаштириш борасида кўрилаётган қатор чора-тадбирларга, амалий ишларга қарамай, ечимини кутаётган муаммолар ҳам талайгина. Хусусан, ёш қизларнинг турли фирибгарлар томонидан ишлаш учун деб алдаб чет элга олиб кетилиши, уларнинг хориждаги аянчли тақдири, депортация қилинаётгани, айрим хотин-қизларнинг гиёҳвандлик, ёт оқимлар таъсирига тушиб қолиши, турли жиноятларга қўл уриши, афсуски, учраб турибди. Биз бундай иллатларга барҳам беришда маҳалла маслаҳатчиларига, ўз ҳудудидаги хотин-қизларни эргаштира оладиган кайвони онахонларга, зиёли аёлларимизга таянамиз.

**- Суҳбатингиз учун ташаккур.**

**Д. ИБРОҲИМОВ ёзиб олди.**

# ЁШЛАР ФОРУМИ

Ахборот

**Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Жиззах вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан вилоятнинг Мирзачўл туманида "Биз- Президент фарзандларимиз" шиори остида "Ўзбекистон — Ватаним маним" Ёшлар Форуми ўтказилди.**

Форумга умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган зукко, қобилиятли ўғил-қизлар жам бўлишди. Ўзига хос безатилган болалар спорт мажмуаси ҳақиқий байрам тусини олди.

Форумнинг асосий мақсади ёшларимиз қалбида мана шу тинч ва дориломон кунларнинг қадрига етиш, улар онгида уни асраб-авайлашдек муқаддас туйғуни шакллантириш ва теран ҳамда уйғоқ тафаккур қобилиятини шакллантиришдан иборатдир. Мирзачўл туманида 15 га яқин турли миллат ва элат вакиллари аҳилликда, ҳамжиҳатликда яшаб келишмоқда. Беш қисмдан иборат бўлган байрам дастуридан жой олган барча чиқишларда ҳам ана шу миллатлараро тотувликнинг, жипсликнинг бунёдкор нафаси сезилиб турди.

Форумда туман ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган энг фаол аёлларга Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширди. Жажжи болакайлар ижросидаги қўшиқ ва рақслар, спортчи ёшларнинг кўргазмали чиқишлари эса барчада бирдай илиқ таассурот қолдирди. Форум сўнггида таниқли санъаткорлар ижросидаги "Ватан ягонадир, Ватан биттадир" деб номланган композицион чиқишлар барчанинг қалбида она Ўзбекистонга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини янада жўш урдирди.

**Н. АБРАЛОВА,**
**ЎзДЖТУ 3-курс талабаси**

# МАЪНАВИЯТЛИ, МАЪРИФАТЛИ АЁЛЛАР ТАНЛОВИ



**Тошкент вилояти, Бўка туманида истиқомат қилувчи Дилором Арслонова танловнинг мутлақ ғолиби деб топилди.**

Яқинда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика "Оила" илмий-амалий маркази, "Маҳалла", "Соғлом авлод учун" жамғармалари ва "Камолот" ЁИҲ ҳамкорлигида "Аёл—баркамол авлод мураббийси" мавзусида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Танлов уч босқичда ўтиб, туман вилоят босқичларида ғолиб бўлган 14 нафар аёл республика миқёсида ғолиблик учун курашдилар. Кўрик иштирокчилари бугунги кундаги ижтимоий ҳаётда фаол, оиласи намунали, шунингдек фарзандларини олийгоҳларда ўқитаётган ёки бирор бир ҳунар эгаси қилган, тинч-тотув турмуш кечираётган 45 ёшдан 65 ёшгача бўлган аёллардир.

Республика босқичига етиб келган 14 аёл бешта шарт бўйича синовдан ўтказилди. Улар ҳуқуқий, маънавий билим ва маданияти даражаси, ҳаётда учрайдиган муаммоли вазиятларни ижобий ҳал этиш маҳорати, тиббий маданият, саводхонлик даражаси, тадбиркорликка бўлган муносабати, ҳаётий билим ва тушунчаларини намоён қилдилар.

Юртимизнинг ҳар бир гўшасидан ғолиб бўлиб келган бу ўн тўртта ақли расо, оқила аёлларни баҳолаш осон кечмади. Чунки уларнинг ҳар бири берилган топшириқларни зукколик ва маҳорат билан бажаришди. Айниқса сирдарёлик Аноржон Аллаеванинг адашиб экстремистик оқимга кириб қолган оиланинг кечинмалари, бу иллатдан қутулиш йўллари ҳақида кўрсатган саҳна кўриниши томошабинларнинг қалбини тўлқинлантириб юборди. Тошкентлик Мухтасар Ғуломованинг пул топиш илинжида чет элларга кетиб қолган аёлларнинг аянчли тақдири акс эттирилган саҳна кўриниши ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.



**1-ўрин соҳибалари: (чапда) Сирдарё вилоятидан Аноржон Аллаева ва фарғоналик Ўктамхон Солиева.**

Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятидан

Фарғоналик Ўктамхон Солиева, Тошкент вилоятидан Дилором Арслонова ва Навоий вилоятилик Марям Шодиеваларнинг "Аёлларнинг ҳуқуқий ва тиббий саводхонлигини ошириш, қайнона-келин муносабатлари ва диний-маърифий билимлар" хусусидаги аниқ ва кенг қамровли жавоблари ҳакамлар ҳайатининг юқори баҳолашига сабаб бўлди.

Зукко ва назокатли аёлларнинг ҳеч бири мукофотсиз қолмади. Энг яхши рақс учун Қорақалпоғистон Республикасидан Дурхоним Исоқова, зукколик йўналиши учун Бухоро вилоятидан Назокат Авезова, энг яхши фольклор ижроси учун Самарқанд вилоятидан Машрабхон Парманова, энг яхши мураббий ўрни учун сурхондарёлик Маҳзуна Сафарова, энг латофатли иштирокчи номинациясида Хоразм вилоятидан Раъножон Абдуллаева, энг кўп шогирд тайёрлаган тадбиркор аёл йўналиши бўйича Қашқадарё вилояти вакиласи Гулчеҳрахон Пиримқуловалар ғолиб деб топилди. Ҳомийлар ва ташкилотчилар томонидан тайёрланган диплом ва эсдалик совғалари иштирокчиларнинг барчаларига тақдим этилди. Беллашувнинг умумий натижалари бўйича 1-ўрин Сирдарё вилоятидан Аноржон Аллаева ва Фарғона вилоятидан Ўктамхон Солиевага, 2-ўрин Наманган вилоятидан Мавлюда Мамажонова ва Тошкент шаҳридан Мухтасар Ғуломоваларга, 3-ўрин эса Андижон вилоятидан Соҳибахон Ҳошимова ва жиззахлик Бахринисо Қўзибоеваларга насиб этди. Кўрик-танловнинг олий совринига Тошкент вилояти вакиласи Дилором Арслонова сазовор бўлди.

**Матлуба ШУКУРОВА**



**Совриндорлар: (чапдан ўнгга) Қашқадарё вилоятидан Гулчеҳра Пиримқулова, бухоролик Назокат Авезова, Самарқанд вилояти вакиласи Машрабхон Пармонова.**

# БИРДАЙ МАСЪУЛМИЗ

***Мамлакатимизда маҳалла раислари ҳамда маслаҳатчилари сайловлари давом этмоқда***

Қайнона-келиннинг можароси бутун маҳаллага тарқалди. Келин оддий, ўртаҳол оиладан. Ўқитувчи бўлиб ишларди. Куёв томон эса анча ўзига тўқ, қайнота "ёғлироқ" жойда ишлар, қўли ҳамма ёққа етарди. Шу боис уйда ҳам, маҳаллада ҳам қайнонанинг "гапи-гап" эди.

Олий маълумотли келинлар бу оилага тушгач, ишлаш ҳақида орзу ҳам қилолмай қолишганди. Аммо кенжа келин: "5 йиллик ўқишим, умрим беҳудага ўтдими? Мен 4 девор орасида ўтириш учун ўқидимми?" деб қайнонанинг буйруғига бўйсунмади - ишини ташламади. Яра газак олди, қайнона келинига "жавоб" берди. 4 ёшли боласи билан келин кўчада қолди. Келиннинг ота-онаси қудаларига қанчалик тушунтиришга ҳаракат қилмасин, фойдаси бўлмади. Ниҳоят, "ёш бола ота меҳрига зор ўсмасин", деб улар маҳалла оқсоқолига мурожаат қилишди. Оқсоқол қайнотанинг қанчалик "қудрат"га эга эканлигини яхши билардиди... Шу боис куёв томонни ёқлаб, келинни бу оилага номуносибликда айблади.

Қайнонани инсофга чақириш ўрнига келинга "беандиша" деб ном қўйди. Воқеага одил ёндошмади. Маҳалла аҳлини ҳам келинга қарши қўйди... "Маслаҳатчи-чи? Аёллар ҳимоячиси, доно опахон нега қўл қовуштирибди?" дерсиз? Ҳа, у ҳам "зўр томонга" оғишга мажбур эди. Ахир баъзи-баъзида ўша қайнонанинг бир оғиз гапи билан ишлари юришиб кетган эди-да. Ундан кейин маҳаллабошидан ўтиб қаёққа борарди?! Бунинг устига "сайлов" яқин бўлса!!!

Бу битта маҳаллада битта оилага нисбатан бўлган муносабат... Республикамизда эса ўн мингга яқин фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш йиғинлари бор. Бу дегани, маҳалла - кичкина ҳукумат! Ундаги ҳолатларга нисбатан ўз муносабатини билдириш ва унда инсон ҳуқуқини поймол этилишига йўл қўймаслик - ҳар бир фуқаронинг иши!

Шу кунларда мамлакатимизда ўтказилаётган фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилари сайлови маҳалла аҳлидан хушёрроқ, ҳаққоний ва фаол бўлишни талаб этади. Агар оқсоқол ва маслаҳатчи юқоридаги манзараларда тасвирланганидек бир томонлама фикрлайдиган, ўзининг курсисини ўйлайдиган бўлса, ўша жойда нотинчлик, норозилик томир отиб боради.

Тўғри, маҳалласида барчанинг дуосини олиб, муҳтожнинг ярасига малҳам бўлиб, кўнгли яримнинг умрига ёруғлик улашаётган оқсоқолу маслаҳатчилар бисёр. Ундай олийжаноб инсонлар доим маҳаллага бош бўлиб юрсин, деймиз. Шунинг учун сайлов даврида билимли, оқ-қорани таниган, яхши-ёмон куннинг таъмини татиган, тажрибали, гуноҳу савобнинг фарқига бора оладиган, ижтимоий-сиёсий жараёнларни оқилона таҳлил қилиб, фуқароларга етказа оладиган инсонларни бу табаррук саҳналарга таклиф қилайлик! Номзодларни танлашда адашмайлик! Ахир оқсоқол - маҳалланинг боши бўлса, маслаҳатчи - унинг бўйнидир. Уларнинг соғломлигига, ҳар томонлама бир-бирини тўлдиришига ишонгандагина уларга овоз берайлик!

**Дилнавоз ТОЖИБОЕВА,**
**Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси.**

## САҲОВАТ

**Ахборот**

1-июн «Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни» муносабати билан Учқудуқ туман ҳокимининг ташаббуси билан тумандаги ижтимоий таъминотга муҳтож, ногирон ва чин етим болаларнинг 148 нафарига 5000 сўмликдан совғалар, тумандаги энг билимли, туман, вилоят, республика олимпиадаларида фахрли ўринларни олган 100 нафар ўқувчига «Сардор» барида байрам дастурхони ва мусиқали тадбир ташкиллаштирилиб, 150 000 сўмлик совғалар берилди. Тадбир ҳомийлар ёрдамида амалга оширилди.

**Н. РЎЗИЕВА,**
**Учқудуқ туман ҳокимлиги матбуот котибаси.**

**Қизлар гулшани**



# ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Шаҳноза Абдуллаева зар тупроғида минг дардга даво, дармондориларга бой мева ва сабзавотлар етиштириладиган Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида дунёга келди. Шаҳнозанинг ёшлиги боғ-роғлар, ширин-шакар узумзорлар, чексиз ва ям-яшил сабзавот пайкаллари орасида кечди. У мактабни тугатиб, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти агрономия факультетига ҳужжат топширди. Айни кунларда Шаҳноза "Агропедагогика" бўлимида ўқийди. Қишлоқ хўжалик фанлари доктори И.Эргашев раҳбарлигида "Ўзбекистонда картошканинг вирусларга чидамли навлари селекцияси ва уруғчилиги" мавзуида илмий-тадқиқот олиб бормоқда. Шаҳноза Самарқанд қишлоқ хўжалик институти қошида фаолият кўрсатаётган "Хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик маркази"да инглиз тили ва компьютер технологияларини чуқур ўрганмоқда. Ҳозир у инглиз, рус ва тожик тилларида бемалол сўзлашади.

Жон куйдириб ишланган жойда йўқни йўндирса бўлади. Бундан эл дастурхони янада тўкинлашади. Мамлакатимизда картошкачилик соҳасидаги ислоҳотларни амалга ошириш йўлида изланаётганидан мамнун. Шаҳнозанинг касалликка чидамли картошка навини яратиш мавзуига бағишланган тўртта илмий мақоласи матбуотда чоп этилди. Айни пайтда Шаҳноза халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган конференцияларда фаол иштирок этмоқда.

Фермерлар орасида тендер танлов шартларини кенг тарғиб қилади. Шуниси эътиборга лойиққи, Шаҳноза бўш вақтларидан ҳам унумли фойдаланади. Шахмат ўйнайди. Қўшиқ айтади. Тикувчиликдан хабардор. У яратган либослар институт қизларининг олқишига ҳам сазовор бўлмоқда.

Шаҳноза вилоят миқёсидаги турли кўрик-танловларда ҳам муваффақиятли қатнашмоқда. 2002 йил "Самарқанд маликаси" кўрик-танловида иштирок этиб, "Африосиёб маликаси" номинацияси бўйича ғолиб бўлди. Зулфия номли Давлат мукофоти учун ўтказилган танловда фан йўналиши бўйича вилоят босқичида ҳам иштирок этди. Шаҳноза сабзавотчилик соҳасида сермаҳсул ва касалликка чидамли навларни яратиб, халқимиз дастурхони янада тўкин бўлишига ўз ҳиссасини қўшиш ишқида яшаяпти.

**Мерган БЎМАТОВ,**
**Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг доценти.**

МУЛОҲАЗА. МУШОҲАДА. МУНОЗАРА.

# “ҲАЙВОН УНДАН ЯХШИДУР...”

Буюк бобомиз Алишер Навоийнинг: “Одам борки, одамларнинг нақшидур, одам борки, ҳайвон ундан яхшидур”, сатрлари ҳаммага таниш. Мен ҳаётда ҳар хил воқеаларга, ҳар хил одамлар турига дуч келавериб, ушбу сатрларни тез-тез такрорлайдиган бўлиб қолганман.

Хоразмга бораётганим хабарини эшитган онажоним мени ҳар гал шундай сўзлар билан кутиб олардилар: “Кечаси билан кўзимга уйқу келмади... Болаларга айтдим: “Ана қаранглар, амманг мана шу самолётда учиб келаяпти”, - дедим. Шундай ташрифларимдан бирида онам мени ташқарида кутиб олмадилар. “Ие”, деб ажабландим. Машинадан тушаяпман ҳамки, онам кўринмадилар. “Битта сигнал бериб юборинг, онам уй юмушлари билан чалғиб қолдилар, шекилли”, - дедим. Сигнал чалинди. Онамдан эса дарак йўқ. Бу муомаладан ҳайрон бўлиб, айвонга кирдим. “Опа, бу уйга меҳмон керакми, ўзи?!” - деган ҳайқириғимга: “Мен бу ердаман, келавер”, - деган онамнинг хаста овозлари эшитилди. Ичкари уйдан келаётган овоз томон юрдим, тўшакда мадорсиз ўтирган онамнинг олдига югуриб бордим. “Сизга нима бўлди? Нега уйда ҳеч ким йўқ”, - деб ҳайрон бўлдим. Ҳаммаси ишга кетишган, ҳозир бирданига мазам қочиб қолди, “чиққан қиз чиғириқдан ташқари деган гап тўғри экан, ҳеч қайсисига хабар қилгим келмади”, - дедилар онам.

Албатта, мен онамнинг бу ишлари учун койиб, врач чақирдим, сингилларимга хабар бердим. Бир зумда ҳаммаси етиб келишди.

Шу воқеа сабаб бўлиб, менга онам бир гап айтдилар:

- Биласанми, нима учун сигиримни сотгим келмайди. Болалар мени қанча уришишади, “сут бермаса, бунинг устига қисир бўлса, нима қиласиз уни сақлаб, беҳудага ем-хашакка пул йўқотиб”, - деб. Сигир - менинг дарддошим, унга дардларимни айтиб йиғлайман, у мени соатлаб эшитади, ҳатто олдидаги ўтини ҳам емасдан қулоқ солиб туради, мен йиғласам, у ҳам йиғлайди.

- Қўйсангиз-чи, опа, қаёқдаги гапларни гапирасиз, - десам:

- Ана кўрдингми, сизларнинг ҳеч қайсингиз мени жим туриб тингламайсизлар. Ҳаммангиз фақат ақл ўргата бошлайсизлар, мени ғиппа бўғасизлар. Фақат шу сигиримгина менинг гапларимни жимгина эшитади.

- Нималарни гапирасиз, ўзи сигирингизга?

- Саъдулламни гапираман, - дедилар онам кўзларига ёш олиб. - Сизларнинг ҳаммангиз бирпасда ўз уйларингизга тарқаб кетасизлар, фақат сигиримгина менинг доимий ҳамроҳим. Яна уни сот дейсизлар, - дедилар онам.

Эҳ, бечора онагинам-а, бундан бир неча йиллар олдин фожеали ҳалок бўлган ўғли Саъдулланинг дардидан шу тахлит бироз таскин топаётган экан-да...

Онам сигирини нима сабабдан бунчалик аяшини, ҳадеб олдига бориб, “сувини ичдимикан, ўтини нима учун емаяпти”, деб қайғуришларини энди тушундим. Мана, етмиш ёшга кирибдиларки, ҳалиям сигирни ўзлари соғадилар, уни ҳеч кимга ишонмайдилар. Бир куни келиннинг елим қўлқоп билан сигир соғаётганини кўрган онам: - Бу нима қилиқ, етти авлодим қилмаган ишни сен қаердан ўргандинг, сигирнинг кўкрагига шикаст етказиб қўясан-ку, - деб қўлидан челакни олиб, қайтиб уни сигир ёнига йўлатмаганлар.



Яқинда онамнинг анча мазалари қочиб, касалхонага ётиб қолдилар. Операциядан ҳоли жуда қочган онам, гапга тиллари қовушмайди-ю, уйдан борган одамдан сигирини сўраб ётдилар. “Опа, энди сота қолайлик, барибир унга қарашга ярамайсиз, ўзим сизга зотдор, сутниям кўп берадиганидан олиб бераман”, - деди укам. “Менга бошқаси керак эмас, яхшиси уни мен тузалгунимча фермага бергин, пулини тўласанг, яхшилаб қараб беришади”, - дедилар онам. “Тавба, одамга одам беролмаган тафтни ҳайвон бероларкан”, - дедим ичимда.

Бу воқеани таъсирланиб синглимга айтиб берган эдим, синглим менга бундан-да ажойиброқ бир воқеа ҳақида гапириб берди.

- Мени ҳар куни эрталаб бир ит ишимгача кузатиб қўяди, - деб ҳикоясини бошлади синглим. - Эрталаб ишим соат 6 да бошланади. Ишим олис, йўлкирани аяб, ҳар куни ишга пиёда кетаман. Пиёда кетиш учун албатта уйдан вақтли чиқишим керак. Эрталабки соат 5 яримларда уйдан чиқаман. Биласиз, қиш кунлари кўчалар жуда қоронғу, қўрқинчли бўлади. Уйдан то ишга етиб боргунимча тилимда фақат калимамни қайтариб бораман. Кўчада бемаҳалда содир бўлаётган ҳар хил гапларни эшитиб, ўқиб баъзан юрагимни ҳовучлаб ўтаман. Шу ишга ўтганимнинг учинчи, ё тўртинчи куни шекилли, бир куни кичкинагина бир ит менга эргашиб то ишгача орқамдан борди. Кейин бу ҳол ҳар куни такрорланди. Охири шу итга мен жуда кўникиб қолдим. То катта кўчагача у мен билан бирга боради, кейин унга: “Энди кетавер, буёғига қўрқмайман, ўзим кетавераман”, - деб айтаман. У ғирра орқасига қараб кетади. Бир куни бир дугонам бизникида ётиб қолди. Тонг билан туриб Хазорасп бозорига бориши керак экан, менинг уйим машинага қулай бўлгани учун кечқурун келиб эртасига кетадиган бўлди. Иккаламиз тонг билан туриб, мен ишга, у эса таксилар турадиган жойга қараб (иккаласи бир-бирига яқин жойда эди) кета бошладик. Гап билан бўлиб кучук эсимдан чиқиб қолибди. Мен азбаройи эсимдан чиқиб қолган “дўстим”ни ахтара бошладим. “Ҳув ана, кўряпсизми, боятдан бери бизларни орқадан битта ит кузатиб келаяпти, ўша эмасми, сиз айтган ит?” - деб сўради дугонам. Қарасам, у ҳақиқатан орқамизда, бизларни кузатиб келарди. Дугонам такси тўхтайдиган жойда қолди. Мен яна озгина юришим керак эди. Шу пайт ит мен томонга қараб югуриб келди. Бироқ бизнинг ҳар доимги хайрлашадиган жойимизга етиб келган эдик. “Раҳмат сенга, энди кетавер”, - дедим унга. Кечқурун дугонам яна уйимизга кириб келди.

- “Гулора, тўғрисини айтсам, сиз ит ҳақида гапириб берганингизда ишонмаган эдим. Сизга уни ҳақиқатан ҳам Худо юборган. Уни авайлашингиз керак. Унга бирон егулик берасизми, ўзи? - деб сўради у. Бу фикр ҳечам хаёлимга келмаган экан. Шу гапдан кейин эртасига унга уйдан нон олиб чиқдим. Ажабо, емади, ҳатто қарамади ҳам, эртасига эринмасдан салафанга солиб овқат олиб чиқдим, бунга ҳам қайрилиб қарамади. Шундан кейин ўйладимки, у овқатни ейман деб чалғиса, мен кетиб қоламан, шу сабабли овқатга қарамаётган бўлса керак, деган хаёлга бордим ва у мендан ажралиб қоладиган катта кўчага келганда қўлимдаги нарсани олдига қўйиб, ундан узоқлашдим. У луқмани емасдан менга қараб тикилиб турарди. Еган-емаганини кузатолмадим, бироқ кўчага нон ушоғини ташлаб юришни ўзимга эп кўрмадим ва унга бошқа емиш олиб чиқмадим. Лекин у барибир ҳар куни тонгда олдимга югуриб келаверади. Шунда дугонам: “Балки у етимларнинг ҳақини емаётгандир”, - деди. Бу гап кулгумни қистатса ҳам, бироқ шу гапнинг тагида жон борлигига, шу миттигина жонивор ўзини инсонман деб санаб юрган баъзи бир нокаслардан кўра мен учун қадрлироқ эканлигига амин эдим. Навоийнинг “Ҳайвон ундан яхшидур”, деган доно сўзларини яна бир эслаб кўрайлик. “Ёшликдаги севгилим эди”, - деб эри Хорижга ишга кетган тўрт болалик аёл билан дон олишиб юрган, охир-оқибат ўзининг учта боласини, бўйи ўз бўйи билан тенглашиб қолган ўғиллари-ю, ягона дардманд қизини кўчага ҳайдаб, бировнинг тўрт боласини уйига рўйхатга киритиб, ўз фамилиясига олган “ота”дан кўра ўша кўчада дайдиб юрган ҳайвон ҳам яхшироқ эмасми?! “Қўявер, дедим синглимга Худонинг ўз сарҳисоблари бор. Ўз болаларини қувғин қилган нокаснинг қилмишларидан албатта Оллоҳ бехабар эмас. Унга ҳам аталганлари бордир. Бир куни келиб болаларининг уволи учун жавоб беради, ҳали. Ўша итни эринг ўтириши лозим бўлган, тўрдаги бўш кўрпачага олиб келиб ўтирғизсанг ҳам бўлар экан. Ҳақиқатан ҳам, уни сенга Худо юборган”, - дедим синглимнинг кўнгли учун. Бир ҳайвончалик ҳам бўлолмаган, ўзини эркакман, деб керилиб юрган зотга қараб эса: “Инсонийликни инсон зотидан ўрганолмаган одамга кошки эди у итнинг фидойилиги таъсир қилса”, - дегим келади.

**Гулсара УБАЙДУЛЛА қизи**

# ЎЗБЕКОНА МУКАММАЛЛИК

***Қадриятларимиз-ўзлигимиз***

Яқинда Германияда истиқомат қилувчи тоғам дўсти билан бизникида меҳмон бўлди. Қишлоқда эрта тонгда ҳамма ҳовли-жойларни супуриб, ораста қилишга уринади. Мен ҳам ҳовлини супуриб турсам, тоғамнинг немис ўртоғи келиб: “Шу қилган ишларинг учун давлат сизларга қанча маош тўлайди?” - деди.

Бизнинг бу урф-одатимиз қадимдан мавжудлигини, бу ишни ҳар ким ўзи учун, оиласи, қолаверса, яшаб турган жойига ҳурмат тарзида қилишини тушунтирдим.

“Шу урфингизга Германиядаги барча энг яхши одатларни алмаштирган бўлардим!” - деди меҳмон ўз тилида кулиб.

Ўзбекона қадриятларимизнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида мукаммал асар деб билишимиз мумкин.

Эсимда, ёшлигимизда момом ҳовлимизда биронта мева пишса: “Девордан нарига ўтган шохдаги мевани олманглар”, дерди. Биз ҳайрон. Ахир дарахтни бувам эккан бўлса, нега шохи қўшниники экан, деб. Мана ўсдик-улғайдик. “Қўшни шох” маъносини тугал англаб етдик, “Бир болага 7 маҳалла ота-она”ни ҳам... Ота-онага, катталарга, кичикларга ҳурмат-иззат бизга ёшлигимиздан мақолу топишмоқлар, чўпчаклар асосида сингдирилади.

Ана шундай олийжаноб, муқаддас қадриятларимизни-ўзбекона мукаммаллигимизни асраб, келажак авлодларимизга етказиш сизу бизнинг муқаддас бурчу вазифамиздир.

**Зебинисо ҒАФФОРОВА.**

***Ҳуқуқий дарсхона***

**- Қонунларимиздаги кўп хотинлик учун бериладиган жазо чоралари бекор қилинибди, деб эшитдим. Шу тўғрими?**

**Сурайё КАМОЛОВА, Фарғона вилояти.**

- Бу гаплар мутлақо асоссиз. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 126-моддасидан саволингизга жавоб топишингиз мумкин. Унда “Кўп хотинли бўлиш, яъни умумий рўзғор асосида икки ёки ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшаш - энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”, деб кўрсатилган.

**- Турмушимдан ажрашганман. Саккиз яшар ўғлим бор. Уни отасининг фамилиясидан ўзимнинг фамилиямга ўтказишим мумкинми?**

**Сабоҳат КОМИЛЖОНОВА, Навоий вилояти.**

- Бу жараён Ўзбекистон Республикаси “Оила кодекси”нинг 70-моддасига асосан амалга оширилади. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи биргаликда яшайдиган ота-онанинг аризаларига биноан бола 16 ёшга тўлгунга қадар унинг исмини, шунингдек фамилиясини ўзгартириши мумкин.

Мабодо, ота-она алоҳида яшашса(ажрашган бўлишса) ва бола билан бирга яшовчи она (ота) унга ўз фамилиясини беришни хоҳласа, маҳаллий ҳокимликлар қошидаги васийлик ва ҳомийлик органи бу масалани боланинг манфаатларидан ва ота (она)нинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилади. Қуйидаги ҳолларда ота ёки онанинг фикрини ҳисобга олиш шарт эмас:

- ота(она)нинг яшаш жойини аниқлашнинг имкони бўлмаса;
- ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган бўлса;
- ота(она) муомалага лаёқатсиз деб топилса;
- ота(она) болага таъминот бериш ва уни тарбиялаш мажбуриятларидан сабабсиз бўйин товлаган бўлса.

Ўн олти ёшга тўлган боланинг исми ёки фамилияси унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас.

**Ҳуқуқшунос Гулнора ҲАМРОЕВА**

Унинг отаси сиз эмас, бошқа одам.



# НОМУСИМ ҲАЁТИМДЕК МУҚАДДАС



Қўнғироқларингиз...

- Фотиҳа тўйим бузилиш арафасида турибди. Менга тўғри йўл кўрсатинг. Бошим қотган, - деди телефон қилаётган қиз ўзини босолмай.

**- Тинчликми, - сўрадим хавотирга тушиб. Узоқ сукунатдан кейин қиз ўзини "Раънохонман", деб таништирди-да юрагини очди.**

- Ёшим 19 да. Онамнинг ягона қизиман. Олийгоҳда 2-курсда ўқийман. Отам ичкиликнинг дастидан эрта дунёни тарк этди. Онам мени азоб чекиб ўстирганлиги учун: "Қизим, отангдан бизга икки яшик ароқ мерос қолган. Билиб қўй, сени бой хонадонга узатаман", деб бот-бот такрорларди. Айтганларидек уй-жойи тайин, ўқимишли, бой хонадондан совчи келди. Онам йигит билан учрашмасимдан туриб, фотиҳага розилик берди. Хуллас, Фарҳод билан учрашишга имкон етди. Йигит билан қўл бериб кўришдим. Бир оз гаплашиб ўтиргач, усти-бошимга зимдан разм солиб:

- Сени бу туришда дўстларимга кўрсатишга уяламан. Ҳозир узун соч урфдан чиққан. Қолаверса, узун кўйлагинг ҳуснингни бузади. Қоматингга кетворган кофталар ярашади, - деди. Дабдурустдан айтган гапига ҳайрон қолдим. Онамга дардимни айтсам:

- Фарҳод нима деса шуни қилгин. Бундан ортиғини топиш қийин,- деб гапига кўндирди.

Фарҳоднинг дўстлари билан учрашгани дискотекага бордик. Йигит-қизлар Фарҳод билан ўпишиб кўришиб, очилиб-сочилиб ўтиришди. Музика бошлангач аралаш-қуралаш бўлиб ўйинга тушишди. Ҳаммалари ичиб-чекиб бўлгач, Фарҳод ширакайфда:

- Танишинглар, бу қиз Раъно. Бўлажак рафиқам,- деди менга ишора қилиб. Дўстлари қий-чув қилиб стаканда менга ичимлик узатишди. Фарҳодни уялтириб қўймаслик учун ҳаётимда илк бор спиртли ичимлик ичдим. Ярим тун уйга маст ҳолда кириб борганимни кўрган онамнинг эсхонаси чиқиб кетди. Эртаси куни қуда холани чақириб:

- Ҳой, қуда, ўғлингизни салгина тартибга олсангиз. Кеча қизимни дискотекага олиб боргани етмагандек, спиртли ичимлик ичирибди. Келажакда таъсири бўлади, - деганда:

- Ўзим юрагимдагини сизга айтмоқчи эдим. Қизингиз ўғлим билан учрашганда ўпишиб сўрашмапти. Ўғлим дўстларини олдида изза бўлибди. Қизингиз маданиятсиз экан. На кийинишни, на жамоатда ўзини тутишни билади. Бизга бунақанги келин керак эмас,- деб уйимиздан чиқиб кетибди. Фарҳодни кўрмаганимга ҳам 3 ой бўлди. Назаримда фотиҳам бузилиш арафасида турибди. Нима қилишга ҳам ҳайронман.

**- Фарҳоджон билан оила курганингизда бахтли яшаб кетишингизга кўзингиз етадими? Қудаларнинг орасидан шунча гап-сўз ўтибди. Онангизни ҳам тўй ҳақида хулосаси бордир?**

- Бошида онамга Фарҳод ёққанлиги учун тўйга розилик берди. Кейинги ҳунарлари ихлосини қайтарди. Шунча маломатлар ёғилганидан сиқилган онам "Қизим, одамнинг оласи ичида бўлар экан. Сени бахтли бўлишингни хоҳлагандим", деб хўрсинади.

**- Раънохон биринчи навбатда юрагингизга қулоқ солинг. Инсонга ҳаёт бир марта берилади. Ҳали ўзингизга мос йигитни учратасиз,- дея тасалли бердим.**

**Баъзан ота-оналар мактабни тугатиши биланоқ қизларини узатиш ташвишига тушади. Қизларимиз ўз тенгини топиб, бахтли бўлса нур устига аъло нур. Лекин орли, иффатли қизларимизнинг номусини Фарҳодга ўхшаган калтабин йигитлар топташига йўл қўймайлик. Азизлар, бу воқеага бўлган муносабатингизни ёзиб юборинг?**

**Адиба УМИРОВА**

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

# ХИЁНАТ, ОҒИР, ОҒИР...

**Эрталаб ишга барвақтроқ келиб, уйда ёзишга улгурмаган ишларимни тугатиш учун компьютерга ўтиргандим, эшигимни кимдир тақиллатди. Сўнг қия очилган эшикдан бир йигит кўринди.**

- Мумкинми? - деди-да ичкарига кирди. У анча ёш эди-ю, лекин сочлари оппоқ оқариб кетганди. - Узр! Барвақт келганимнинг сабаби... Ҳеч ким йўғида гапларимни айтиб олсам, дегандим-да. Чунки кўпчиликнинг олдида айта олмайдиган ҳасратларим бор, - деди у негадир менга эмас, ерга қараб гапираркан.

**- Бу дунёда ҳасратсиз одам бўлганда яшашнинг сира қизиғи қолмас эди... Шундай экан, уни енгиб яшаш мумкин, сизники ҳам шундайдир? - дедим йигитни юпатиш учун.**

- Тўғри, лекин... Юрагингизни дард тилимлаб ташласа ёмон, жуда ёмон бўлар экан-да. Лекин мени шундай ҳолга солишди, - деди йигит Исмини Малик деб ўзини таништираркан. (Исми ўзгартирилган) - Ўзим тўрт укам билан онамга ҳам ёрдам бераман. Укаларим ёмон эмас, ўқишади, мендан кейингиси ишлайди. Кечроқ, 25 ёшимда уйлангандим. Кеч қурилган оиламни жуда қадрлардим. Яқинда ишхонамдан берилган икки хонали уйга кўчиб чиққан эдик. Бир укам уйланиш арафасида, елиб-югуриб тўйга тайёргарлик кўраётгандик. Бу қувончли кунларда бошимга даҳшатли ташвиш тушди. Нима қилай, отам йўқлиги учун уйланиш осон бўлмаганди менга, лекин...

**- Ташвиш деяпсиз, бунга кимдир сабабчи бўлдими? Ёки ўзингиз...**

- Ўзим шу пайтгача ҳалол яшадим, ҳалол пул топдим. Қизларга ҳеч гапирмагандим. Ишхонамизда кадрлар бўлимига келган Юлдуз исмли қизни кўриб, шайдо бўлиб қолдим. Унга гапириб кўрганимда, кулиб-кулиб қўярди. Хуллас, учрашувга чақириб, унга уйланмоқчи эканлигимни айтдим. Мени қувонтириб, у рози бўлди. Оиласи анчагина бадавлат бўлса ҳам, онам совчи бўлиб борганида яхши кутиб олишди.

Уйланиб, тўрт йилдан буён бахтли яшаб келаётгандик. Қизалоғим Асалойни суйиб-суйиб эркалардим.

**- Нега энди "эди", деяпсиз, ҳозир улар... Йўқми?**

- Бор, қаерга ҳам кетишарди. Айтиб бераяпманку! Бир куни ўша қизалоғим касал бўлиб қолди. Дўхтирга олиб бордик. Ишқилиб, қони билан боғлиқ экан-да, касали. Ё онасидан, ё отасидан қон олиб, қуйиш керак экан. Қон ҳам гапми, жонимни ҳам берардим қизим учун. Қон топширдим. Аммо эрталаб касалхонага келсак, қонимни қуйишмабди. Даволовчи шифокор мени чақиртирибди. Кирдим. У менга тикилиб турди-да:




- Кечирасиз, балки саволим ноўриндир... Лекин сўрамасам бўлмайди-да. Болангизнинг соғлиғи учун билишим жуда муҳим. Хуллас, бу қизалоқнинг отаси бошқами? - деб сўради.

Мен ҳайратдан қотиб қолдим. Ахир Юлдузга биринчи марта уйланган эдимда.

- Нега? Нима учун бундай беъмани саволни бераяпсиз? - дедим даҳшатдан титраб.

**- Шифокор нега бундай деган экан?**

- У хотиржам равишда яна саволини қайтарди. "Чунки, - деди у пинагини бузмасдан. - Сизнинг қонингиз қизалоқнинг қони билан тўғри келмади. Бу эса унинг отаси сиз эмас, бошқа одам дегани. Шунинг учун сизни чақиртирган эдик", - деди.

**- Кейин нима бўлди? Хотинингиз билан гаплашдингизми?**

- Бу осон бўлмади. Палатага кирсам, у ҳамма гапдан хабар топган, пиқиллаб йиғлаб ўтирибди. Ҳаммасини гапириб берди. У менга 1,5 ойлик ҳомиласи билан эрга теккан экан. Мен гумроҳ билмаган эканман. Ялинди-ёлворди, кечирим сўраб, оёқларимга йиқилди. Ахир бу қандай гап? Хотинимни ҳам, қизчамни ҳам жонимдан ортиқ яхши кўрардим. Кўнглим синди, ғурурим поймол бўлди. Йигитнинг боши эгилиши ўлимдан ҳам ёмонлигини биласизми? Қизимга онасининг қонини қуйишди. Охири у тузалди ҳам. Аммо юрагимнинг жароҳати тузалмади. Шундай бўлса ҳам улар касалхонадан чиққунча пул, ёрдам бериб турдим. Улар уйга қайтишгач, мен кетдим. Хотинимнинг башарасига қараган сайин у, кўзимга ёмон кўринади.

**- Уйингиздагилар ҳам бундан хабар топишдими?**

- Фақат онамга айтдим. У ҳам кўп куйинди. "Майлида, беайб парвардигор, болам! Ўтмишга кўз юмиб қўя қол-да, яшайвер. Яна туғиб берса, унутарсан", дейди.

**- Сиз бу гапга нима дейсиз?**

**Йигит саволимни эшитиб, жим бўлиб қолди. Кейин:**

- Қандоқ қилай? Ахир мана бу ерим кеча-ю кундуз жизиллаб турибдику, опа! - деди у кўкракка уриб. - Ҳар куни кўриб бир ўлгандан кўра, қийин бўлса ҳам ажрашиб кетган маъқулмикан? Менинг болам бўлмаса ҳам қизчага шундай меҳр қўйган эканман. Шуни соғиниб қийналаяпман. Нима қилай? Қандай йўл тутай?

**Йигит икки қўли билан бошини чангаллаб, бирпас сукут сақлади-да, сўнг исмини ёзмаслигимни илтимос қилиб, чиқиб кетди.**

**Мен йигитнинг бошига тушган ташвиш ҳақида ўйладим. Қандай йўл тутиш керак? Менимча у ажрашишга шошмай, озгина сабр қилса... Энг олий ҳакам вақтнинг ўзи бир қарорга келишга ёрдам берар... Хиёнат оғир, жуда оғир, лекин, на иложки, у баъзан гулдек оилаларни пароканда қилиб юборади.**

**Азиз мухлислар! Сизнинг фикрингиз қандай? Йигит қандай йўл тутса, тўғри бўлади?**

**Басира САЙДАЛИЕВА**

# ТЎЙДАН КЕЙИН "АТТАНГ", ДЕМАНГ...

Акс-садо

*Қарғиш урган одамман, - 6-сон*

**ЭСЛАТМА: Ўша куни ширакайф эдим. Гўшангада қизга яқинлашганимни биламан, ойдай чиройли келиннинг ярми аёл, ярми эркаклигини кўриб, "дод"лаб юбордим. Қиз эса кўзларида ёш билан: "Ҳеч ким билмасин, майли кўчада бошқа хотинлар билан юраверинг, мен уйингизда, сизнинг хотинингиз бўлиб, чўрилик қиламан", деб ёлворди.**

**Муаллиф: С. ФАХРИДДИНОВА**

Мақолани ўқиб, муаллиф ёзганидек, тўғриси мен ҳам бундай воқеадан ҳайрону лол бўлиб қолдим.

Наилож, ҳаётда бўлиб тураркан. Нима бўлганда ҳам уйланишдан олдин тиббий кўрикдан ўтмагани катта хато бўлган. Никоҳланишдан олдин тиббий кўрикдан ўтказишнинг зарурлиги ҳақида бежиз кўп гапирилмаяпти. Йигит ёҳуд қизнинг тўйдан кейинги "аттанг", лари касалликларини яшириб, бировнинг бахтини поймол қилиб, қолаверса, чув тушириши адолатдан эмас.

"Биров от деб олади, той чиқади, биров той деб олади, от чиқади" деган мақол бор. Буни биз ўша йигитга менгзадик. Чиройли қиз деб олиб, энди бошини хам қилиб юрибди. Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Икки томон - бўлажак қуда-андалар тўйдан олдин маслаҳат қилишди. "Ёшлар бир-бирини кўришсин. Маъқул бўлса, тўйга қаршилигимиз йўқ",- дейишди қизнинг ота-онаси. Ҳаммаси рисоладагидек бўлди, аммо бўлажак келин-куёв тиббий кўрикдан ўтишмаган эди. Тўйдан кейин бошланди "томоша". Куёв бўлмиш нимагадир одамови бўлиб қолса бўладими?! Чиллали бўлишига қарамай, бошқа жойда тунаб қоладиган одат чиқарди. Ота-онанинг танбеҳлари, маслаҳатлари, гаплари зиғирчалик таъсир қилмади. Гўёки гуноҳ иш қилгандек, индамасдан, жимгина, бошини эгиб тураверарди. Уларнинг ўртасида юзага келган келишмовчилик сабабини сўралганида, иккаласи ҳам индашмади.

Пировардида, куёвни қистовга олишди: "Ҳеч нарсани яширмай, нима бўлганини айтасан, вассалом!" Куёвнинг гапларини эшитиб, онаси даҳшатга тушди. Ўкиниб-ўкиниб йиғлади. Нега деганда, келини хунаса экан. Бунинг яна бир атамаси бор: "Улма-қиз". Бу дегани бир жинсда ҳам эркак, ҳам аёл белгиларининг мавжудлиги. Куёвнинг гапига қараганда, ўша биринчи кечада чимилдиққа кириб, қўрққанидан ортига қайтган. Дўстлари эса: "Йигитмисан?! Йигитлик бурчингни бажар-да", деб яна чимилдиқли уйга киргизиб юборишибди. Шунинг учун йигитнинг боши гангиб, руҳиятида салбий ўзгариш бўлган.




Савол туғилиши табиий: қизнинг ота-онаси буни билишганмикан? Ота-она фарзандининг шундайлигини билишган. Бир чиғириқдан ўтказиб олиш ниятида турмушга беришган. Ҳам қарз, ҳам фарз деб ўйлашгану, бировнинг бахтини минг афсуски ўйлаб кўришмаган. Худди "брак" сифатида биздан кетгунча, эгасига етгунча" қабилида иш кўришган.

Кези келганида, энди икки оғиз хунасалик тўғрисида. Она қорнидаги эмбрионда индифферент жинсий безлар пайдо бўлиб, уларнинг бирида эркак, иккинчисида аёлга хос жинс куртаклари шаклланади. Гоҳо бир ҳомилада иккала жинс белгилари - гермафродитизм мавжуд бўлиши ҳам мумкин. Чин ва сохта хунасалик фарқ қилинади. Чин хунасалик тубан тузилган ҳайвонлар - чувалчанглар, бўғим оёқлилар учун нормал ҳол ҳисобланади. Юқори даражада тузилган организмлар, умуртқалилар, хусусан одамда фақат сохта гермафродитизм - хунасалик учрайди. Бунда муайян жинсий безлар ташқари ёки ички жинсий органларга мос келмайди. Сохта хунасалик билан туғилган боланинг жинсини аниқлаш анча мушкул бўлиб, кўпчилик ҳолларда деярли нотўғри аниқланади. Хунасалик жарроҳлик усуллари ва гормонлар билан даволанади. Буни мутахассис-шифокоргина аниқлайди, даволайди. Хунасалик дардига мубтало бўлганларнинг оила қуришга ҳақлари йўқ.

Ўғлини уйлантириш ёҳуд қизини чиқариш ўй-ташвишида юрган ота-оналар бўлажак келин-куёвларнинг тиббий кўрикдан ўтишларига панжа орасидан қарамасликлари керак. Шундагина оила қуришмоқчи бўлган барча йигит-қизларнинг бахти бекам бўлади.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ**

---

**Мақоладан** жуда таъсирландим. Дилимдан: "Қанийди, мана шу мақолани йигитлар ўқиб, ҳаётда ўзларига етарли сабоқ чиқариб олишса",- деган ўй кечди.

Ҳозирги кунда кўпчилик ота-оналар фарзандларини маънавий қашшоқ (буни очиқ тан олиш даркор) қилиб тарбиялашмоқда. "Ўзимиз қийналиб, оёққа турдик, топган-тутганимиз шу болаларники", - дейишади. Аммо бу билан улар ўз келажакларига болта уришаётганини, арзанда ўсган ўғиллар эртага ўзига эмас, балки ота-онасининг давлатига ишониб на ҳунар, на бирор касби бўлмаганлигидан боши берк кўчага кириб қолишини хаёлларига ҳам келтиришмайди.

Ҳаёт энг яхши мураббий. Ота-онасининг даврасида хотинини назарга илмай: "Фақат менинг айтганим бўлади", дейдиган эр йигитларни ҳаёт тарбиялаб, баъзан кўзини мошдек "очиб" қўяди!

Аввало, ҳар қандай оилада эр-хотин орасида ишонч бўлмоғи зарур. Гумон иймондан айиради. Эр хотинига ишонмаса нега яшайди? Ким учун яшайди? Эр хотинини уриб, қўрқитиб олиб яшаши билан узоққа бориб бўлмайди. Эр хотинга, хотин эрга ишонмаса бу ҳаёт эмас, нақ жаҳаннам.

Мақола қаҳрамони ҳам оғзи "ботир" экан, покиза, мушфиқ аёлнинг бахтини қора қилиб, энди афсусда. Икки, уч бор уйланиб, бахт топмабди! Юзи қора, кўнгли вайрон, қалби эса армонда...

Пули кўп танти йигит 18 ёшли келинпошша билан эҳтимол, баъзи пластик жарроҳлик операциялари ўтгач, яхши яшаб кетар, аммо гуноҳсиз гуноҳкор биринчи аёли-чи? Унинг тақдири не кечди экан?

Менимча, у кўз очиб кўрган аёлини ҳеч асоссиз хўрлаган, қарғиш олган. Бу аёли даволангач, бориб ўша собиқ аёлининг кўнглини олиб, узр сўраса, балки ҳаёти тамомила изга тушиб кетар?! Ахир кексаларимиз бежизга: "Қарғиш урмай қолмас" дейишмайди-ку...

Унинг кечмишлари зора ўзгаларга ҳам сабоқ бўлиб, хулоса чиқаришса! Айтадиган ҳар бир гапни "эрман - не истасам дерман", деб эмас, балки чуқур ўйлаб фикр юритсалар, кўп савоб иш бўларди.

**Фарида ТОҲИРОВА**

---

Инсоннинг ҳаётда яшашидан мақсади ўзидан яхши ном қолдириш, эзгу ишлар қилиш, солиҳ фарзандларни тарбиялаб вояга етказиш. Чунки фарзандларимиз умримизнинг давомчилари ҳисобланади. Вояга етган ҳар бир фарзандимиз ўқиб, билим олиб она-ватанимизнинг янада гуллаб яшнаши учун, халқимизнинг бирор кору-ҳолига яраса биз хурсанд бўламиз, ўзимизни бахтли ҳисоблаймиз. Кўккўрғонийнинг мақоласини ўқидиму, Бproducer...

# ФАРЗАНДЛАРИМИЗ — УМРИМИЗ ДАВОМЧИСИ

*"Безурриёд ўтмоқдаман", - 49-сон.*

**ЭСЛАТМА: Ёшим 50ларга бориб қолган бўлса-да, фарзандсизман. Хотиним айбни менга тўнкаб қўйгани учун даволанавериб чарчадим. Ваҳоланки, ота-онамни тирикликларида роса қақшатганим учун бу менга берилаётган жазодир.**

**Муаллиф: КЎККЎРҒОНИЙ**

тирмоқчиман. 1967 йилда уйландим. Икки йилча фарзанд кўрмадик. Мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Мактабимиз жойлашган қишлоқдан шифокор Гадоев ўғилларини суннат тўйи қилди. Шу тўйга мактабимиз ўқитувчиларини ҳам таклиф этишган эди. Ўша пайтлар тўйлар биринчи марта стол-стул қилиб ўтказилаётган эди. Ўқитувчилар алоҳида ўтирдик. Едик-ичдик. Тўй жуда яхши ўтди. Хуллас ширакайф уйга келдим. Қарасам, умр йўлдошим ётмасдан кутиб ўтирибди. Онажоним ҳам шу ерда бедор. Мен уйга кириб, тўй тафсилотини уларга сўзлаб бердим ва охирида йиғладим.

- Нега Оллоҳим менга фарзанд бермаяпти? Мен ҳам ота номига сазовор бўлсам. Элу халққа шундай тўй берсам, - деб йиғлайвердим. Турмуш ўртоғим ҳам йиғлади. Онажоним ҳам йиғладилар ва мени қучоқлаб:

- Ўғлим, ҳали сизлар ёшсизлар. Парвардигоримнинг даргоҳи кенг, бир неча ўғил-қизларнинг ота-онаси бўласизлар, тўй ҳам қиласизлар, бобо ва буви бўласизлар,- дея менга насиҳат қилдилар.

Олоҳимга беҳисоб шукрлар бўлсинки, икки ўғилу, тўрт қизнинг ота-онаси, 20 дан зиёд неварали бўлдик. Яқинда эса эварали ҳам бўламиз. Беҳисоб шукроналар айтаман.

Биродарбой! Сиз турмуш ўртоғингизни бир неча маротаба шифокорларга кўрсатибсизу, ўзингизни кўрсатмабсиз. Бу сизнинг энг катта хатоингиз. Фожеа бу. Бунинг устига элу авлодларингиз билан борди-келди қилганингизда улар дастурхонидан туз татимас экансиз. Шу ҳам инсофданми. Ахир уларда нима гуноҳ бор? Улар ўз вақтида сизга маслаҳат берганларку, шифокорларга учрашинг деб... Нега дўстларингиз маслаҳатларига кирмадингиз? Ёки авлодларингизнинг болаларидан бирини олиб тарбияласангиз бўларди-ку.

Бундан ташқари бир киши билан чойхонада ўтириб, гаплашганингизда: "Сиздан арвоҳлар норози", дебди. Ўша одам тўғри айтибди. Ўзингиз тан олишингизча ота-онангизга тирикликларида азоб бергансиз. Улар сизни қарғашган. Ана шу қарғиш туфайли сиз фарзанд кўрмаяпсиз. Ҳалиям кеч эмас. Ота-онангиз кўмилган мозорга боринг, улар руҳига дуойи-фотиҳа қилинг. Қабрларини қучоқлаб, йиғлаб кечирим сўранг. Гуноҳларингизга тавба қилинг.

Арвоҳларини рози қилинг. Бева-бечораларга, етим-есирларга садақа қилинг. Зора ота-онангиз арвоҳи сизни кечирса, Оллоҳим ҳам гуноҳларингизни авф этса-ю, кексалик чоғингизда бир солиҳ фарзанд ато этса. Дунёи боумид дейишади-ку!

Ҳа, Биродар, такрор айтаман, фарзанд умримизнинг давомчиси, у бизнинг мевамиз. Ҳаётда яшашдан мақсадимиз фарзандли бўлиш...

Фарзандларимиз номимизни ўчирмайди, келгуси авлодларга етказади. Оила— жамиятимизнинг бир бўлаги ҳисобланади. Жамиятимизга фойдаси тегадиган асл фарзандларни етиштириш ҳам оиланинг бир бурчидир.

**Ғайбулла АБДУЛЛАЕВ**

# АГАРДА МЕЪЁР БЎЛСА...

*"Татимаган зиёфат" - 20-сон*

**ЭСЛАТМА: Бекорчи оғайниларини йиғиб зиёфат қилган Тантибой оқибатда жиноятчига айланди. Чунки, маст ҳамтовоқлар муштлашиб, Тортарбек касалхонада жон берди. Бундай манманлик кимга керак эди?**

**Муаллиф: Баҳодир ЭГАМ.**

Мақола менга жуда таъсир қилди. Чунки менинг ҳаётим айнан шу сабаб - эримнинг ичкиликка берилганлиги боис бузилиб кетган.

Айримлар шу қуриб кетгур зормандага Худога сиғингандек, сиғинишлари рост! Лекин инсон ўз иродасига таянса, бу заҳри қотилга чап бериши ҳам мумкин-ку!

Шу ўринда ёдимга тушган бир воқеани ёзиб ўтай. Қўшни ака-укалар байрам баҳона ўз уйларида меҳмон кутиб ўтириб, ичкилик ичиб кайфлари ошиб қолади. Кейин нимадандир гаплари келишмай қолиб, икки жигар меҳмонларнинг олдида уришиб кетишади. Охир-оқибат ука ўз акасини чавақлаб қўяди. Шошиб қолган унинг яқинлари зудлик билан "Тез ёрдам"га қўнғироқ қилишади. Акасини "Тез ёрдам" машинасида касалхонага олиб кетишаётган бир пайт у йўлда жон беради. Жиноят жазосиз қолмайди, деганларидек ука қилган ишлари учун қамалди. Акасининг 4 та боласи етим бўлиб қолишди.

**ШАҲИНАБОНУ**

| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Рам хотини | Ҳавода сероб газ | Фарзанд, ўғил-қиз | Оқлаш ашёси | *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Қарта хоними | Услуб, йўриқ | Унхўр ҳашарот | Арабча "А" | *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Рамазон фарзи | ... Бўпти | Бурж | Орт | *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Бурят чўпони | Катта масжид | Одеколон | Максим (қисқа) |
| Насим, шабада | | | | | Россия парламенти | | | | | Тик, бутун | | | | | "Тарихи мулки ..." | | | | |
| Шарх | | | | | Ўғил бола исми | | | | | Қайсар, ўжар | | | | | Ҳарбий қисм | | | | |
| "Кумуш ..." | | | | | Орнела ... (Актриса) | | | | | ...-Шавқ | | | | | "КВН" фирмаси | | | | |
| ...-чечак юриш | | | | | Ёввойи гиёҳ | | | | | "...-ка-Дабра" | | | | | Чаппа, тескари | | | | |
| *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Қимматбаҳо тош | Эчкининг эркаги | ..., Оллоҳу Акбар! | У майдонда синалади | *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Сотқин | Якан, "соққа" | Эрон пули | Тана қисми | *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Янга | Мушкетёр | Қадим танга пули | ... Темур | *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Турк, авзо | Халқ, аҳоли | Намозга чорлов | ... Блеэр |
| Кичик зарра | | | | | "... Кришна" | | | | | Тахмин | | | | | Вақт ўлчови | | | | |
| Банди эт! | | | | | Доно, ақлли | | | | | ... - есир | | | | | Дастхат | | | | |
| ... - чикир | | | | | Ички аъзо | | | | | ... Аваз (шоир) | | | | | "Яхши"-нинг акси | | | | |
| Ширинлик | | | | | Симба ёри | | | | | Банди, тутқун | | | | | Қаерда (синон.) | | | | |
| *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Рус хонандаси | Товуш, сас | Овчи ит | Ғам-... | *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Идора | Аль ... (ғўшиқчи) | Амур ирмоғи | ... Зокиров (бастак.) | *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Гавда, вужуд | Мабодо | Ўғил бола исми | Ойи (рус) | *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Персия | Идиш | Ўзак, тамал | Эмил Золя асари |
| ... Руставели | | | | | Фаровон | | | | | Емак | | | | | Бор ...да, Йўқ ... | | | | |
| Исроф | | | | | "Бақо" акси | | | | | Шаҳар (Ҳинд.) | | | | | Жуда, ўта | | | | |
| ... Каримова | | | | | Ишон | | | | | ... Каримов (олим) | | | | | Енгил | | | | |
| Ўғил бола исми | | | | | Япон фирмаси | | | | | "Чилтор" (Европа) | | | | | АҚШ фазо маркази | | | | |
| *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Эгилмаган, тик | Фарёд, фиғон | Уч атом кислород | ... - алам, озор | *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Алоқа ускунаси | Миркарим .... | Ҳарф ..., савод чиқар | Бухородаги туман | *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Ота, ада | Ўрганиш, қилиқ | Йўл ҳақи | Қозоқ шоири | *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Донли экин | Ялла, ёр-ёр | Само, коинот | Осиё давлати |
| Мева | | | | | Сурат, расм | | | | | Бинт матоси | | | | | Азон айтувчи | | | | |
| Дори меъёри | | | | | "... Ойи" | | | | | Ёзувчи | | | | | 3-шахс, кўплик | | | | |
| Судралувчи ҳайвон | | | | | Фильм, сериал | | | | | Тоғнинг кенг жойи | | | | | Сергей ... (қаҳрамон) | | | | |
| Суст, лоҳас | | | | | Адам ... (Олим) | | | | | Қасддан | | | | | Аҳил, тотув | | | | |
| *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | "... Лиза" | Клей | Хорижга рухсат | Қуёш худоси | *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | ... Ёқубов (адиб) | ... Ҳаво | Денгиз | Тикув қуроли | *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Араб давлати | Туркча пул | Узоқ, йироқ | | *ОИЛА ВА ЖАМИЯТ* | Роҳиб либоси | Дам, тин | Калта юбка | Мансаб |
| ...ли Дарахт | | | | | ... Матжон | | | | | Осиёдаги миллат | | | | | Италия футбол клуби | | | | |
| Ўғил бола исми | | | | | Виагра, мезим | | | | | Ер текислаш ускунаси | | | | | ...-Сирим | | | | |
| Нифоқ | | | | | Диёнат | | | | | Кичик зовур | | | | | Саноқ сўз | | | | |
| ... Тулеев | | | | | Гул тури | | | | | ... - насаб | | | | | Жиҳат, фактор | | | | |

## ШАНБА 17

### ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
"Болалар сайёраси":
8.50 1. "Олтин тож". Телеўйин.
2. "Шумтакалар". Мультсериал.
9.40 Биржа ва банк хабарлари.
9.45 "Ҳидоят сари".
10.05 "Оналар мактаби".
10.25 1."Рангинкамон". 2."Дидар".
11.05 "Ишқ эртаги". Телесериал.
11.40 "Интеллектуал ринг".
12.25 "КиноТеатр".
12.45 "Ёз ифори". Телесериал.
13.50 Олтин мерос.
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 "Ассалом, Ўзбекистон!" Кундузги дастур.
15.20 "Меҳр кўзда".
16.00 ТВ анонс.
16.05 "Минг бир маслаҳат".
"Болалар сайёраси":
16.25 1. "Ўйла, Изла, Топ!" Телемусобақа.
2. "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
17.35 ТВ анонс.
17.40 "Одами эрсанг."
18.00 "Дил таронаси".
18.05 2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили. "Саломатлик сирлари".
18.25 "Шахсий фикр".
19.00 "Оҳанглар оғушида".
19.15 "Суперлото". Телелотерея.
19.20 "Сизнинг адвокатингиз".
19.25, 19.55, 20.55 , 21.30 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 "Омон бўлинг!"
20.10 "Сўз ва соз". Ток-шоу.
21.00 "Ахборот".
21.35 ТВ анонс.
21.40 "Парламент вақти".
22.10 "Ҳаёт давом этади".
22.30 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
22.40 "Хос соқчи". Бадиий фильм. 1-қисм.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.55 Дастурнинг очилиши.
6.00 "ЯНГИ ТОНГ". Ахборот дам олиш дастури.
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 "Дороти Оз мамлакатида". Мультфильм.
8.35 Шифокор қабулида.
8.55 SMS-кинотанлов.
9.00 "Ёлғон асираси". Телесериал.
9.45 Солиқ хизмати хабарлари.
9.55 Ватан ҳақида ўйлар.
10.00 Давр.
10.10 Анонслар.
10.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Аргентина – Сербия ва Черногория.
12.05 Кино SMS.
12.10 "Тақдир". Телесериал.
12.40 Телепортрет.
13.00 Давр.
13.10 Ватан ҳақида ўйлар.
13.15 "ЯНГИ КУН". Ахборот дам олиш дастури.
14.15 Ўсмирлар симфоник оркестри.
14.25 "Фан" туркумидан: "Сув мўъжизалари".
14.35 Юлдуз билан....
15.05 Ёнимдаги бахт.
15.10 "Ханда" ижодий гуруҳи тақдим этади: "Гап йўқ".
15.55 Анонслар.
16.00 Давр.
16.10 Ватан ҳақида ўйлар.
16.15 Мусиқий лаҳза.
16.20 "Янги авлод" шоуси.
16.35 Бола тилидан.
17.05 SMS-кинотанлов.
17.10 Чемпион сирлари.
17.30 Анонслар.
17.35 Кино SMS.
17.40 Антиқа томоша....
18.10 Мусиқий лаҳзалар.
18.30 Ватан ҳақида ўйлар.
18.35 Каталог.
18.45 "Камолот" хабарлари.
19.00 Давр.
19.35 Кино SMS.
19.45 CINEMA BOLLIVUD.
20.00 "Дилрабо". Одил Шомуродов куйлайди.
20.30 "Мўйқалам сеҳри". Абдунаби Мамадиев.
21.05 Оҳанрабо.
22.00 Давр.
22.40 Кўнгил таронаси.
22.50 SMS-кинотанлов якуни. Бадиий фильм.

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

"8.00-13.00 " гача кўнгилочар информацион мусиқий дастур.
18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 "Болажонлар экрани" "Табассум" /рус/.
18.30 "Шунақа гаплар" ҳажвий кўрсатув.
18.45 "23, 5 даражали бурчак остида". Ҳужжатли телесериал.
19.10 "Кино олами" /рус/.
19.20, 20.45 "Телекурьер маркет".
19.30 "Табриклаймиз, қутлаймиз".
20.00 "Тв юрист.
20.05 "Экран зийнати ва қиймати".
20.25 "Камила". Телесериал.
20.55, 22.20 "Тв анонс".
21.00 "Оқшом наволари".
21.20 "Дадил қадамлар".
21.40 "Тв юрист".
21.45 "Мулоҳаза учун мавзу".
22.25 "Келиб айтганларим". Бадиий фильм. /рус/.

### SPORTV

7.30 "Хабарлар".
7.50 "Бодрое утро".
8.50 "Хабарлар" (Рус тилида)
9.10 "Смак".
9.25 "В поисках приключений".
10.15 "Маҳалламиз паҳлавонлари".
11.00 "Военное дело".
11.20-12.10 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
"Пахтакор" - "Машъал".
***
17.55 Футбол. Жаҳон чемпионати. "Португалия - Эрон". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
20.00 "Вести".
20.20 "SPORT- кадр".
20.40 Жаҳон чемпионати-2006 кундалиги.
21.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. "Чехия-Гана". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади (Танаффусда "Хабарлар" (ўзб тилида)
23.00 "Стать ближе". Ток-шоу.
23.45 "Тақдир чизғилари".
24.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. "Италия-АҚШ".

### TV-MARKAZ

12.00 TOTAL NEWS (узб.)
12.20 Узбек наволари
13.00 TOTAL NEWS (рус.)
13.20 Узбек наволари
13.30 «ТОП-10» (повтор)
14.00 Мировые хиты
15.00 Теленяня
16.20 Узбек наволари
16.30 «Очил дастурхон» (повтор)
17.00 Узбек наволари
17.30 «Юлдузли пайшанба» Лола (избранное)
18.00 TOTAL NEWS (узб.)
18.20 Узбек наволари
19.00 TOTAL NEWS (рус.)
19.20 Индийское кино
21.00 Узбек наволари
22.00 Кино «Стрекоза»
23.55 Миксер
00.30 «Миссия неповторима»

### ОРТ

5.00 Новости
5.10 Фильм «Приключения Гекльберри Финна»
7.00 «Играй, гармонь любимая!»
7.40 Слово пастыря
7.55 «Роман со зверем». Документальный фильм
9.00 Новости
9.10 «Смак»
9.25 Премьера. «Дети принцессы Дианы. Заложники славы». Документальный фильм
10.20 «Ералаш»
10.30 «Субботний Ералаш»
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 Здоровье
12.00 «Шутка за шуткой».
12.15 Комедия для победителей «Банзай»
14.00 «Рублевка». Документальный фильм
15.05 Владимир Винокур в юмористической программе «Смех, да и только»
17.00 Вечерние новости.
17.15 «Цыганское счастье». Документальный фильм
18.20 Комедия «Особенности национальной охоты»
20.00 Время
20.20 «Фабрика звезд»
21.40 Что? Где? Когда?
23.10 Жерар Депардье в поисках прописки в комедии «Вид на жительство»
1.00 Триллер «История солдата»
2.40 Сериал «Линия огня»
3.20 Александр Абдулов в фильме Марка Захарова «Формула любви»

### РТР

5:00 «Доброе утро, Россия!».
6:40 «Золотой ключ». Итоги тиража.
7:00 ВЕСТИ.
7:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
7:20 «Пес и кот». «Хвосты». Мультфильмы.
7:55 «Военная программа» Александра Сладкова.
8:20 «Вокруг света».
8:50 «Субботник».
9:30 «Утренняя почта».
10:00 ВЕСТИ.
10:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10:20 «Сто к одному». Телеигра.
11:15 «Аншлаг и Компания».
12:15 «Клуб сенаторов».
13:00 ВЕСТИ.
13:20 РОДНОЕ КИНО. Анатолий Кузнецов, Леонид Куравлев и Евгений Герасимов в детективе «Пять минут страха». 1985г.
15:00 «Борис Васильев. Чрезвычайный человек».
16:00 ВЕСТИ.
16:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. НЕДЕЛЯ В ГОРОДЕ.
17:00 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
17:25 «Честный детектив». Авторская программа Эдуарда Петрова.
18:00 ПРЕМЬЕРА. «Место встречи» с Лионом Измайловым.
19:00 ВЕСТИ.
19:20 «Субботний вечер».
21:45 Эшли Джадд, Джеймс Кэвизел и Морган Фримэн в остросюжетном фильме «Особо тяжкие преступления» (США). 2002г.
23:45 Футбол. Чемпионат мира. Италия - США. Прямая трансляция из Германии.
2:05 НОЧНОЙ СЕАНС. Фильм Альфреда Хичкока «Исступление» (Великобритания). 1972г.
4:10 Канал «Евроньюс».

## ЯКШАНБА 18

### ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 "Олтин мерос".
"Болалар сайёраси":
8.50 1. "Ўйла, Изла, Топ!" Телемусобақа.
2. "Камалак" экрани.
10.20 ТВ анонс.
10.25 "Саломатлик сирлари".
10.45 "Бозор кўрмаган йигит". Видеофильм.
12.05 "Оҳангларга ошуфта кўнгил". И. Фармонов куйлайди.
12.30 ТВ анонс.
12.35 "Истиқомат ҳуқуқи". Бадиий фильм.
14.20 "Ассалом, Ўзбекистон!" Кундузги дастур.
15.20 "50х50". Ток-шоу.
16.10 Ватан ҳақида қўшиқлар.
"Болалар сайёраси":
16.20 1. "Олтин тож". Телеўйин.
2. Ўсмирлар симфоник оркестри намойиш этади.
17.40 ТВ анонс.
17.45 "Қалпоқ". Ҳажвий кўрсатув.
18.15 "Оҳанглар оғушида".
18.25 "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи".
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида)
20.05 "Оддий ҳақиқатлар". Ток-шоу.
21.00 "Таҳлилнома".
21.50 "Заковат".
22.45 "CINEMA.UZ".
23.05 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
23.15 "Хос соқчи". Бадиий фильм. 2-қисм.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.55 Дастурнинг очилиши.
6.00 "ЯНГИ ТОНГ". Ахборот дам олиш дастури.
8.00 Анонслар.
8.05 "Диққат, маймунчалар". Мультфильм.
9.15 "Янги авлод" шоуси.
9.30 Кинотақдим.
9.50 "Камолот" хабарлари.
10.00 Ватанпарвар.
11.00 Парламент вақти.
11.30 Ватан ҳақида ўйлар.
11.35 Оҳанрабо.
12.20 Якшанба нонуштаси.
12.50 2006-Ҳомийлар ва шифокорлар йили. Меъёр-соғлиқ гарови.
13.10 Анонслар.
13.15 "ЯНГИ КУН". Ахборот дам олиш дастури.
14.15 Ватан ҳақида ўйлар.
14.20 "Кун тартиби". Ёдгор Саъдиев.
15.40 Анонслар.
15.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Португалия – Эрон.
17.25 Кино SMS.
17.30 "Ёз кунларининг бирида". Видеофильм.
18.20 "Journal" (инглиз тилида)
18.35 Анонслар.
18.40 Ёшлик наволари.
18.50 Ватан ҳақида ўйлар.
18.55 Иқлим.
19.00 "Давр" ҳафта ичида.
19.35 Анонслар.
19.40 Телепортрет.
20.00 Мусиқий лаҳзалар.
20.10 "Қилни қирқ ёриб..." Интеллектуал ўйин.
21.05 "Янги наволар". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Равшан Комилов.
21.40 CINEMANIYA.
22.00 "Ойижон". Бадиий фильм.

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

"8.00-13.00 " гача кўнгилочар информацион мусиқий дастур.
18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 "Болажонлар экрани".
18.30 "Эътиқод".
18.50 "23, 5 даражали бурчак остида". Ҳужжатли телесериал.
19.15, 20.55, 22.40 "Тв анонс".
19.20, 21.20 "Телекурьер маркет".
19.30 "Табриклаймиз, қутлаймиз".
20.00 "Журналист таҳлили".
20.20 "Тв юрист".
20.25 "Туризм ҳақида". /рус/.
21.00 "Оқшом наволари".
21.30 "Нима учун?"
22.10 "Тв юрист".
22.15 "Сиз кутган учрашув".
22.45 "Имконият". Бадиий фильм.
24.00-00.05 "Хайрли тун, шаҳрим".

### SPORTV

7.30 "Хабарлар".
7.50 "Бодрое утро".
8.50 "Хабарлар" (Рус тилида)
9.10 "Непутевые заметки".
9.30 "Пока всѐ дома".
10.10 "Фазенда".
11.00 "Қувноқ стартлар".
11.40 "Рақибингиз гроссмейстер".
12.00-12.45 "Аптека слушает".
***
17.55 Футбол. Жаҳон чемпионати. "Япония-Хорватия". Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади. (Танаффусда "Хабарлар" (Рус тилида)
20.00 "Вести".
20.20 "Тайм- аут".
20.40 Жаҳон чемпионати-2006 кундалиги.
21.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. "Бразилия-Австралия". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади (Танаффусда "Хабарлар" (ўзб тилида)
23.00 "Ровесник".
23.20 "Спорт уик-энд".
24.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. "Франция-Ж. Корея". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
2.00 "Тунингиз осуда бўлсин!"

### TV-MARKAZ

12.00 TOTAL NEWS (узб.)
12.20 Узбек наволари
13.00 TOTAL NEWS (рус.)
13.20 Узбек наволари
14.00 Мировые хиты
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
16.20 Узбек наволари
17.00 TOTAL NEWS (узб.)
17.20 Узбек наволари
18.00 TOTAL NEWS (рус.)
18.20 Узбек наволари
19.00 Спецрепортаж
19.20 Индийское кино
20.40 Мировые хиты
21.00 «ТОП-10»
21.30 Узбек наволари
22.00 Кино (SMS-голосование)
24.00 Узбек наволари

### ОРТ

5.00 Новости
5.10 «Шутка за шуткой». Юмористическая программа
5.40 Георгий Жженов в остросюжетном фильме «Ворота в небо»
7.15 Служу отчизне!
7.45 «Гении и злодеи». Этторе Майорана
8.20 «Умницы и умники»
9.00 Новости
9.10 «Непутевые заметки» с Дмитрием Крыловым
9.25 Пока все дома
10.10 «Фазенда»
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 «Призвание». Премия лучшим врачам России
12.40 Мультипликационный сериал «Гора самоцветов»
12.55 Надежда Румянцева, Николай Рыбников в комедии «Девчата»
14.45 «КВН-2006». Высшая лига
17.00 Новости
17.15 Воскресный «Ералаш»
17.55 Романтическая комедия «Как стать принцессой».
20.00 Воскресное «Время». Информационно-аналитическая программа
20.45 Концерт Максима Галкина
22.55 Михаил Задорнов в комедии «Хочу вашего мужа»
0.15 Лейтенант Коломбо в детективе «Берегите свои зубы»
1.45 Суперчеловек. «Как стать мужчиной. Африка»
2.40 Сериал «Линия огня»
3.25 Спецрасследование. «Охотники за звездами»

### РТР

4:45 Леонид Дьячков в фильме Петра Тодоровского «Городской романс». 1970г.
6:35 «Сельский час».
7:00 ВЕСТИ.
7:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
7:20 «Русское лото». Результаты розыгрыша.
7:30 «Сестрица Аленушка и братец Иванушка». «Три мешка хитростей». «Свинья-копилка». Мультфильмы.
8:00 Нодар Мгалоблишвили в фильме «Формула любви». 1984г.
10:00 ВЕСТИ.
10:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10:20 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
10:55 «Сам себе режиссер».
11:45 «Смехопанорама Евгения Петросяна».
12:15 «Парламентский час».
13:00 ВЕСТИ.
13:20 «Фитиль N91». Сатирический тележурнал.
14:05 Евгений Киндинов в детективе «Золотая мина». 1977г.
16:50 ПРЕМЬЕРА. «Аншлаг и Компания».
18:45 Люк Бессон представляет: остросюжетный фильм «Мишель Вальян: жажда скорости»
20:45 Футбол. Чемпионат мира. Бразилия - Австралия. Прямая трансляция из Германии.
23:00 «ВЕСТИ НЕДЕЛИ с Сергеем Брилевым».
23:50 Футбол. Чемпионат мира. Франция - Южная Корея. Прямая трансляция из Германии.
2:00 «Национальный интерес». Ток-шоу Дмитрия Киселева.
2:55 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. ПРЕМЬЕРА. Телесериал «Гора» (США). 2004г.
3:30 Канал «Евроньюс».






Ҳар эҳтимолга қарши 03 га қўнғироқ қилиб қўй.

Оила табассум

Рассом—А. ҲАКИМОВ



Изоҳга ҳожат йўқ.

# BOLALAR Burchagi

*Aziz bolajonlar! Siz ham chizgan rasmlaringiz va yozgan ertaklaringizni o'z suvratingiz bilan birga bizga jo'nating. Yoshingiz va nechanchi sinfda o'qishingizni ham yozishni unutmang. Rasmlaringizni oq qog'ozga chizing. Xatlaringizni kutamiz!*





**Behzod SALIMBOYEV, Toshkent viloyati, Olmaliq shahar, 16-maktabning 6 «A» sinf o'quvchisi.**



**AZIZA RUSTAMOVA, Xorazm viloyati, Xazorasp tumani, Pitnak shahar, 9-maktabning 10-sinf o'quvchisi.**





**Zuhra MAJIDOVA, Qashqadaryo viloyati, Qarshi shahridagi 4-maktabning 6-sinf o'quvchisi.**

*ONANG YONINGDA BO'LSIN*

*Dunyo toshi yog'sa boshingga,*
*Ko'zingdagi nuring ketsa ham.*
*Sochlaringga oq tushsa gar,*
*Faqat onang yoningda bo'lsin.*

*Gulga bulbul qo'nmasa ham,*
*Bog'da bulbul qolmasa ham.*
*Dilda qayg'u ketmasa ham,*
*Faqat onang yoningda bo'lsin.*

*Aytolmagan so'zing qolmasa,*
*Kuylolmagan kuying qolmasa.*
*Qalbda mehring qolmasa,*
*Faqat onang yoningda bo'lsin.*

*Sen boy bo'lsang ham,*
*Gar kambag'al bo'lsang ham.*
*Ulug' olim bo'lsang ham,*
*Faqat onang yoningda bo'lsin.*

**Shahlo MAMADALIYEVA,**
**Samarqand viloyati, Poyariq tumanidagi 18-maktabning 8 sinf o'quvchisi.**

**Surat mualliflari Ramziddin AMONOV va Kamol XAFIZOV, Samarqand viloyati, Urgut tumanidagi 54-maktabning 3-sinf o'quvchilari.**





# "ИЛОН ЎТАР" FОРИДА...

Бобом раҳматлик чўпон эдилар. Хўп ғаройиб нарсаларни айтиб берардилар. Бобомнинг айтишларича, бир замонлар илонлар ҳукмронлик қилган эмиш. Илонларнинг ваҳшийлиги ошганидан-ошиб, жонзотларнинг оҳлари Тангрига етиб борибди. Шунда Яратган барча илонларни бир жойга тўплабди. Жуфт илонни ажратиб, қолганини ғордан ўтказиб ерости орқали бир тоққа банди қилибди.

Ривоятдаги бу ғор Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги "Илон ўтар" ғори эмиш. Шу ғордан олиб ўтилган илонлар Зомин туманидаги тоғлар ичига банди қилинган экан.

Бобом Зомин туманидаги тоғларда қўй боқардилар. Ўша илонларни ўз кўзлари билан кўрган эканлар. Бошқа одамларнинг ҳам гувоҳлик келтиришича, ўша тоғлар орасида илонлар макони мавжуд экан.

Бобом бизга бир илонлар билан боғлиқ бошқа воқеани ҳикоя қилиб бергандилар:

- Сурув-сурув қўйлар боқардик. Сурувни ёйгач, қўшни сурувдан чўпонлар гурунглашишга келиб турарди. Биз кўпинча тоғнинг тепасига чиқиб илонларни томоша қилардик. Илонларнинг рангларини, турларини санардик. Уларнинг тепага ўрмалаб чиқолмаслигидан ҳайратланардик. Тоғ атрофи пистазор, ўзи пишиб, ўзи тўкилиб ётарди. Мўл-кўл писталар илонларнинг озуқа манбаи эди. Бир куни чўпон ўртоғим "илонларнинг овқати зўр-да, текин томоқлар", деб пистазорга ҳаваси келди. Менинг қайтаришимга қарамасдан пистазорга тушди. Халтасини тўлдирди-ю, лекин бечорага тоққа кўтарилиш насиб этмади. Назаримда, ўзи ҳам илонларнинг емишига айланди. Нима бўлганини кўзим билан кўрмадиму, бироқ бир зумда ғойиб бўлди. Қайси бир йили ёли бор илонга кўзим тушган эди, менимча, у аждаҳонинг авлоди. Ўртоғим ўша илонларнинг бирига йўлиқиб қолди, шекилли. Шундан кейин у тоғларга қадам босмадим.

**БАРНО**




**ҒАРОЙИБ**

# КИМДИР ТУТИБ ҚОЛДИ

Мунис хола қишлоқ четидаги сой бўйида яшайди. Қишда унинг чоли вафот этди. Бир куни у уйимизга келганда бир воқеани гапириб берди.

- Насим бобомиз боғбон бўлгани учун йиғинларда дастурхонга ўзи сақлаган олма-анорларидан тўкиб қўйишни ёқтирарди. У вафот этган кунларда асраган меваларимиз тугаб қолганди. Унинг охирги маъракасини ўтказишдан бир кун олдин бозорга бориб, ўзим сархил мевалардан олиб келмоқчи бўлдим. Ўғилларимга айтгандиму, лекин улар олиб келганидан кўнглим тўладими, йўқми, деб ўйладим. Шундай қилиб ёлғиз ўзим бозорга жўнадим. Қирчиллаган совуқ, денг! Сой бўйидан уйимизга чиқадиган жойдаги эшак кўприк ҳам музлаб қолибди. Кўприкнинг четида эса тўсиғи йўқ. Қишда ўтиш жуда хавфли. Лекин шу жойдан ўтмасликнинг иложи йўқ. Чунки, нариги томондаги катта, машина ўтадиган йўл олисда эди. Олой бозорига бориб сархил мевалардан олдим. Кўнглимдагидек харид қилиб, мамнун ҳолда уйга қайтдим. Тепаликдан пастдаги кўприкка қараб тушарканман музда тойиб кетиб, бир-икки марта дам олдим. Ҳар гал бирор жойга борсам чолим шу кўприк ёнига тушиб, қўлимдаги юкимни кўтариб кетарди. Назаримда, у яна шу ерда тургандек эди. Амаллаб кўприкнинг ўртасигача бордим. Икки қўлимдаги оғир сумкаларимни суриб ўртасидан оҳиста юриб борардим. Худога шукр қилиб кўприк четига ҳам етдим. Сумкаларимни кўтариб бир қадам юришим билан иккала оёғим баравар сирпаниб кетди. Кўприк остидаги жарга қулай дедим. Аммо шу пайт кимнингдир бақувват қўли елкамдан тутиб қолди. Ортимдан: "Қўрқма, энди юравер!" деган овоз эшитилгандек бўлди. Мени йиқилишдан асраган кишига раҳмат айтиш учун орқамга ўгрилиб қарадим. Ё, тавба! Ҳеч ким йўқ эди. Қўрқиб кетсам-да, "Оллоҳим, ўзингга шукр!" дедим. Тепага кўтариларканман, энди сумкаларимнинг оғирлиги сезилмасди ҳам. Гўё кимдир кўтаришиб бораётгандек туюларди. Ҳовлига кирганимда ўғлим мендан хавотир олиб чиқиб келаётган экан. Сумкаларимни қўлимдан оларкан:

- Вой, бўй! Мунча оғир? Шуларни тепага қандай кўтариб чиқдингиз?- дея аранг судраб уйга олиб кирди. Мен эса хурсанд эдим. «Эҳтимол, чолим ёқтирган мевалардан олиб келаётганим учун унинг руҳи қўллагандир? Қачон бўлмасин бобонгга худойи қилсак, дастурхондан сархил меваларни узмаймиз»,-дедим.

**ҲАМИДА.**

# ОЛА ҚАРҒА

Баҳорнинг охирги ойи бошланган пайт эди. Отам ҳовлидаги шоҳсупада бетоб ётарди.

Тўсатдан у киши қаттиқ алаҳсираб, бақирган овозини эшитиб, югуриб уйдан чиқдим.

- Ҳа, отажон, нима бўлди?

Отам қўлларини кўтариб, ток новдаларида қаторлашиб турган ола қарғаларни қувламоқчи ҳолатига тушган эди.

- Отажон, нега доим бу қушларни қувишга интиласиз? - ҳайрон бўлиб сўрадим.

- Эҳ, ўғлим бунинг тарихи узун. Ёз ойларининг бирида бутун қишлоғимизни шунақа қушлар босиб кетди. Эрталаб эса 2-жаҳон уруши бошланганлиги ҳақидаги хабар тарқалди. Ҳафта ўтиб, акам Жаббор ва тоғаларим Темур, Ўмирлар урушга кетишди. Ойлар, йиллар ўтса-да, улардан хабар йўқ эди. 1943 йил арафасида ҳовлимизни яна ўша қушлар босди. Айнан шу куни акамдан қора хат келди. Яна кунлар, ойлар ўтиб, тоғаларим ҳақида ҳам хунук хабарлар эшитдик.

Уруш тугаб, йиллар ўтиб, уйланиб, бола-чақали бўлгач, оғир хабар келтирувчи қушларни унута бошлагандек эдим...

1966 йил апрел ойида қишлоқда яна ола қарғалар айланиб қолганлиги Тошкентда қаттиқ ер силкиниши ҳақидаги хабарни олиб келди.

Заводда кўп йиллар оғир маҳсулотларни ортувчи юкчи бўлиб ишладим. Кунларнинг бирида ишхонам тепасида яна ола қарғалар айланиб уча бошлади. Шу куни тепадан устимга оғир юклар қулаб тушди. Жароҳатланиб, мана, ўшандан буён, оғир аҳволда қолганман, - деди отам.

Буни қарангки, узум токлари новдасида қатор қўниб турган ола қарғалар яна мусибатга сабаб бўлишди. Ўша куни отам ҳаётдан кўз юмди. Мен эса шундан буён ола қарғани кўрсам, юрагим увишиб кетаверади.

**Абдураҳмон ҲАСАНОВ**

ҚИССАДАН ҲИССА

# НАЙРАНГБОЗДА ОР БЎЛМАС

Фарида эри билан уришиб қолиб, кесатиқ гап қилди.

- Ҳе, қуриб кетсин, шу рўзғор дегани ҳам. Пешонамга битган битта мана шу темир тароқми?

- Нимани хоҳлар эдинг? - савол ташлади эр.

- Кўчага чиқиб бир қаранг, нимани хоҳлашимни кўрасиз, қўясиз. Кўчалар машинага тўлиб кетди. Одамлар тиш ковлагичини ҳам тиллодан қилишаяпти. Сиз битта дўппингизни янгилашга бош қотириб ўтирибсиз.

- Сенинг ўй-хаёлинг машина билан тилла бўлиб қолди. Бойларнинг мўрисига тикилганинг-тикилган.

- Тикилмай нима қилай? Шу ҳовлига келганимдан буён ўчоғим кул кўрмади, қўлим пул кўрмади. Мундоқ замонга қарамайсизми?

- Сенинг қараганинг етар. Ҳалол билан ҳаромни аралаш-қуралаш қилиб юбординг. Бунақада болаларнинг тарбияси нима бўлади?

- Болани баҳона қилманг. Мен эркак бўлганимда ҳамма нарсани бисёр қилиб қўйган бўлардим. Ўзимга қолса бир ойда "Нексия-Донс" олиб минаман.

- Бугундан бошлаб эркин қушсан. Хоҳлаганингни қил.

- Шундай қиламан! Сиз кўрпага қараб, тузлуқни ялаб ўтираверинг.

Фарида қизчасининг қўлидан етаклаб, кўча дарвозадан чиқиб кетди. Унинг балоғатга етай деб қолган ўғли отаси билан қолди. Албатта, Фариданинг ўйлаб қўйган режалари ҳам йўқ эмасди. У қизчасини онасига қолдириб, қизликдаги дугонаси Марғуба яшаётган шаҳар томон йўл олди. Нимагадир Фариданинг феъл-атвори жуда тез ўзгариб кетди. Унинг назарида ҳаётда ҳамма найрангбозга ўхшайди. Эридан сир тутиб, кимдандир икки минг доллар қарз олиб, тиллафурушликка қўл урди. Тездаёқ дастмояни бой бериб, ўзига бошқа томондан омад сўқмоғини қидира бошлади. Марғуба яшаётган шаҳардан худди ўзи қидирган омад сўқмоғини топгандай бўлди.

Қаранг-ки, дугонасини йўқлаб борган Фарида гап-гаштак устидан чиқиб қолганди. Уни қўярда-қўймай, ичкарига бошлаб киришди. Ўша куни Фарида бошдан-оёқ оппоқ кийинган ва пардоз-андози ҳам жойида эди. Бу гапга ўттиз икки аёл жамланган экан. Уларнинг ҳаммаси шаҳардаги казо-казоларнинг хотинлари экан. Гапнинг юз доллардан йиғими бўлиб, уни ширинлик тўлдирган ликоп устига қўйишиб, "Яхши кунларга буюрсин!" дея Марғубага топширишди.

Меҳмонлар кузатиб қўйилгач, уйда икки дугона ёлғиз қолишди. Марғуба анчадан буён кўришмаган дугонасига юзланди.

- Чеҳранг чаманлаб кетибсан-ку, Фари? Бир қарасам ойга ўхшайсан, бир қарасам сойга ўхшайсан.

- Ўзинг ҳам чакки эмассан,- жилмайди Фарида. - Эшитдим, йиғилган ўттиз иккита аёлнинг ичида эрини "қул" қилиб олгани битта ўзинг экансан.

- Шукр, ўзимга тинчман. Эримнинг бизнеси ҳам жиндай юришиб турибди.

- Қандай яхши! Унга қўшимча иккаламиз бизнес қиламиз.

- Биз учун унақа ишга йўл бўлсин, ўртоқжон.

- Нега энди? Ҳозир мана шу хонтахта устига битта кесак қўйгин-а, "Суф" деб уни тиллога айлантириб қўяман.

- Оббо сен-ей!-яйраб кулди Марғуба.



- Афсунгарликка ўқиганга ўхшайсан.

- Замон шунақа! Учибқўнмасанг дон йўқ, афсунгар бўлмасанг нон йўқ. Ўзинг бир олам "жинни пул"нинг ичида экансан.

- Ана холос! Қанақа жинни пул?

- Шунча аёлнинг ҳеч бири сенга ўхшаб эрини "қул" қилиб ололмабди-ку? Чунки ҳозирги топарман-тутарман эркакларнинг ўпкаси ўнта, юраги ўн битта!

- Вой ўлмасам, буни қаёқдан биласан?

- Пулдор degани биров жилмайиб қўйса, орқасидаң йўрғалаб кетаверади. Сен билан гап еяётган хонимларни ҳаммасининг кўнглида ғулғула бор. Бойлик қанчалик кўпайса, ғулғула ҳам ана шунча кўпаяди-да. Уларга эрларингни "қул" қилиб бераман, деб кўргин-а, оғзидаги нонни олиб, сенга тутишади. Ана шуни "жинни пул» дейдилар, ўртоқжон.

- Ҳаммамизга ўқибсан, - кулди Марғуба,- ўпкаси ўнта одамни "қул" қилиш учун занжирни қаердан топасан?

- Занжири менинг қўлимда. Кўзим кўр экан, ўртоқжон. Энди очилаяпти. Аслида бу ерга ландавур эримдан қочиб келдим.

- Шаштинг жуда баланд-ку. Нафаси ўткир дуохон бўлиб чиқмагин, тағин?

- Ана энди ўзингга келдинг. Менга битта хужра топсанг, бас. Бир йилда остонангни тиллодан қилиб бераман.

Бундай таклиф ҳатто Марғубанинг тушига ҳам кирмаганди. Иккиси ҳовлида бир ўзи яшайдиган кампирнинг уйидан жой топишди. Ҳужранинг ўртасидан дока парда тортилиб, хона иккига бўлинди. Фарида ўзига пардоз бериб, қўлида зумрад тасбеҳ билан хонанинг тўрига ўтиб ўтирди. Унинг орқасидаги меҳроб, қора парда билан тўсилиб, у жойга дуолар ёзилган магнитофон қўйилди. Фариданинг юзига оқ нур берадиган ёритгич тўғриланиб ўрнатилди. Хожатманд кишилар учун дока парданинг бу томонидаги пойгакдан жой ҳозирланди.

Шундай қилиб, Марғуба ҳам ишга киришди. Унга эридан шубҳаси борларнинг ҳаммаси яхши аён эди. У ўзи мўлжалга олган аёлнинг ёнига ўтириб, қалбига қўл соларди.

- Кўп ажойиб аёлсиз-да, ўргилай. Эрингиз ҳам бебаҳо инсон. Бироқ ҳозирги эркакларни озгина шаштидан тушириб турилмаса, "ўтлаб" кетиб қолишади. Мен бу ишга уч-тўрт сўм сарфлаб тураман.

Аёллар "бу ишга" деган иборага қизиқмайди, дейсизми? Ана шундан сўнг Марғуба уни "Нафаси ўткир дуохон"нинг олдига бошлаб боришга розилик беради. Бу гапни ҳеч кимга айтмасликни тайинлайди. Эрини "қул" қилиб беришнинг нархи юз доллар.

Фарида магитофонни қўйиб, оғзини қимирлатиб ўтираверади. Мижозни кузатаётиб шундай дейди:

- Кўзимга ой кўринди, оппоғим. Йўлларингиз ойдин, хожатингиз равон бўлғай. Энди остонангиздан ёмонлик кира олмас, яхшилик кета олмас!

Мижоз тўшакнинг остига юз долларни қўйиб, ўрнидан туради. Шу тариқа икки найрангбознинг омади анча юришиб қолди. Аёллар сир сақлай олармиди. "Нафаси ўткир дуохон"нинг таърифи бошқа гап-гаштакларга ҳам ёйилди. Топарман-тутарманларнинг хотинлари учун юз доллар ҳеч гап эмасди. Бизнесдан келаётган даромад тенг иккига бўлинаётганди.

Марғубанинг уйига хонадонига бир томондан омад кела бошлаган бўлса, бошқа томондан омад кета бошлаганди. Чунки, Марғубанинг эрининг бизнеси юришмай, уйда калта-култа ишлар билан ўралашиб қолганди. Шундай бўлди-ки, кунлар ўтиб, у Фариданинг ҳусни-жамолига ошиқу шайдо бўлиб қолди. Борабора Марғубага эрининг Фарида билан дон олишиб юргани аён бўла бошлади. Марғуба ўша кунлари битта ҳийла ишлатди. У тушликка овқат ҳам қилмай, иситмалаб қолган одамдай ётиб олди. Эри эса қаёққадир отланиб қолди. Аёл кишининг кўнглига бир ғулғула тушмасин экан. Эри уйдан чиқиб кетгач, ўрнидан турди-да, унинг ортидан пинхона кузатишга тушди.

Эри хотиним касал бўлиб ётибди, деган хаёлда тўғри Фариданинг хужраси томон йўл олганди. Марғубанинг тахмини тўғри бўлиб чиқди. У эрини ярми оқ дока билан тўсилган "Нафаси ўткир дуохон"нинг хужрасида онадан туғилганда қандай бўлса, ана шундай ҳолатда учратди. Унинг вужудига ўт кетгандай бўлди. Қўлидаги сумкасини ирғитиб юбориб, Фариданинг сочини битталаб юлишга шайланди. Аммо Фарида сочини битталаб юлдириб қўядиганлардан эмасди. У ўрнидан тура солиб, шармҳаёни ҳам йиғиштириб, Марғубанинг кўксига бир тепди. Марғуба хужранинг ўртасига тўсилган пардага урилиб, уни туртиб-йиғиштириб, орқасига қулади. Худди шу пайт хонада қаёқдандир яна икки киши пайдо бўлиб қолди. Уларнинг бири оппоқ сочли аёл ва яна бири барваста йигит эди. Оппоқ сочли аёл Марғубани суяб-тиккалаб, Фаридага қарата қўлини ниш қилди.

- Оббо ҳийлагар! Шунақа қилиғинг ҳам бормиди? Қачондан буён "нафаси ўткир дуохон" бўлиб қолдинг? Ўғриликдан юзинг қора бўлиб қочиб келгандинг-ку?!

Маълум бўлди-ки, Фарида икки минг доллар қарзни мана шу аёлдан олган экан. Аёл бечора берган қарзини ундиришга қаёқдан-қаёққа ўғлини эргаштириб келибди.

Шундай қилиб найрангбозлик фош бўлди. Икки ҳийлагарнинг найрангига алданиб қолган аёлларга айтадиган гапимиз шуки, эрингизни фирибгарнинг дуоси билан эмас, балки меҳр-оқибатингиз, ширин сўзингиз ва аёллик зийнатингиз билан "қул" қиласиз.

**Комилжон НИШОНОВ,**
**Андижон вилояти.**

# ЖОЙНАМОЗДА ЎЗИЛГАН ЖОН

*Бўлган воқеа*

Умархожи бува қабристонга борди-ю, гўрковни топиб унга:

- Бир қабр қазиб қўйинг, - деди.

Гўрков қўлини юзига тортди.

- Оллоҳ раҳмат қилсин. Ким ўлибди?

- Ҳеч ким.

- Қабрни кимга қазийман бўлмаса? - ажабланди гўрков.

- Ўзимга.

- Ия, Умархожи бува, ҳазиллашаяпсизми?

- Мен қачон биров билан ҳазиллашувдим. Ўзимга дедим-ку, бас.

Гўрков Умархожи буванинг чўрткесарлигини яхши билади. Шунинг учун "ҳай, майли", деб кетиб, айтган вақтда келди. Бува гўрни кўздан кечирди, ичига тушиб ётиб ҳам кўрди. Сўнг лаҳат деворига "Ёсин" сураси ёзилган қоғозни илди-да, ичкарига ит-мушук кирмасин, деган мақсадда қабр оғзига икки боғ шоли похолини бостирди.

Гўрков нима дейишни билмай, музтар турарди.

Бува шу куни уйга қайтгач, жияни Жамолни чорлаб: "Отаравани қўш", - деди.

Иккаласи Қибрайни бошдаоёқ оралашди. Ҳаммани жанозага айтишди.

- Ким оламдан ўтибди? - сўрашарди одамлар.

- Жума куни мени чиқарасизлар, - дерди бува ҳаммага. - Пайшанба куни омонатимни топшираман.

- Э, хожи бува тўқсонга борганда ақлдан озибди, эҳ аттанг, - дейишарди одамлар.

- Умримизда биринчи марта ўз жанозасига чақирган одамни кўриб турибмиз.

Пайшанба куни ҳуфтон намози маҳалида бува ўғли ва жиянини чақирди:

- Жамолиддин, сен бундай ўтир, ўғлим Асилпўлат, сен рўпарамга ўтир, - деди Умархожи бува. - Ҳозир икковингизни жойнамоз устида дуо қиламан. Мендан рози бўлинглар.

Жамол ҳам, Асилпўлат ҳам буни ҳазил деб тушуниб, ишонқирамай ўтиришарди. Бобо уларни дуо қилди, ўзи айтганидек, жойнамоз устига бош қўйди ва қайтиб бошини кўтармади. Ўғли ва жияни шундагина Умархожи жон таслим қилганини тушунишди.

Бу воқеани эшитган кишилар эс-хушларини йўқотиб қўяёзишди. Халқ жума куни Умархожи бувани сўнгги манзилга кузатиб қолди.

Ҳанузгача бу гап оғиздан тушмай келади. Умархожи бува элимизнинг суюкли санъаткори, Ўзбекистон халқ ҳофизи Фахриддин Умаровнинг бобоси эди.

**Гулшода ҚУРБОНОВА**

Дил изҳори

# ЁМОНЛИК ЖАВОБСИЗ ҚОЛМАДИ...

Ота-онамнинг ёлғизгина қизи эдим. Мактабда яхши ўқиб, уй ишларининг ҳаммасини ўзим қилардим. Онам бозорга чиққанимизда қимматбаҳо кийимлардан олиб бераман, десалар кўнмасдим. Эл қатори юрмасам ҳамма устимдан куладигандек туюларди.

Онам заводда отам билан бир цехда ишларди. Тўрт хоналик уйимиз шинамгина, уни озода тутишга ҳаракат қилардим.

Бир куни онам бетоб бўлиб қолди. Унинг боши оғрирди.

- Шунга ҳам дўхтир чақирамизми? - деганлари учун "Тез ёрдам" чақирмадик. Бекор қилган эканмиз. Орадан уч-тўрт соат ўтмасдан у ҳушидан кетди ва то дўхтир етиб келгунча фалаж бўлиб қолди. Юраги хаста бўлгани учун шундай бўлибди.

Касалхонада ҳам кўп ётгани йўқ. Бир ойдан сўнг юраги уришдан тўхтади. Онамни дафн этганимиздан кейинги кунлар жуда қийин бўлди. Онамнинг қўли билан қилинган ҳар бир нарса уни эслатар, юрак-бағримни эзарди. Вақт ўтиши билан жудоликка ҳам кўникдик. Отам иккимиз бир-биримизни авайлашга ҳаракат қилардик. Уйдаги ишларнинг ҳаммаси, овқат пиширишдан тортиб, дазмол қилишгача ўзимга қолганди. Навжувон онамнинг ўлимидан сўнг аста-секин ўзимизга кела бошладик.

Баъзи бир қариндошларимиз отамга хотин излай бошлашди. Бу гапни биринчи марта эшитган куним бошимни деворга уриб йиғладим.

- Буни сиз айтгансиз! - деб отамга аччиқ қилиб у билан уч кун гаплашмадим.

- Мунира, сен айтгандек бўла қолсин! Майли, ҳеч қачон уйланмаганим бўлсин! Фақат йиғламасанг бўлди, - дея отам ён бергачгина гаплашишга кўндим. Яна ойлар ўтди. Онамнинг йилини ҳам бердик. Яна отамнинг уйланиши ҳақида бот-бот гап очиладиган бўлди. Мен яна дод сола бошладим. Мактабимни тугатишга бир ой қолганда аммаларим ўзлари билан ишлайдиган бир аёл билан отамни таништиришди. Хушрўйгина кўринган бу аёлни биринчи марта кўрганимдаёқ ёмон кўриб қолдим. Унинг кўзларидан меҳр изладим. Аммо, совуқ нигоҳ, бефарқликдан бошқа нарсага кўзим тушмади. Табиийки аммаларим менинг у билан лоқайдгина кўришганимни бошқа нарсага йўйишди.

- Ҳали ўрганишиб кетасизлар, Сабоҳатой, - дея аёлнинг елкасига қоқиб қўйишди. Аёл эса менга чимирилиб бир қараб қўйди. Кўп ўтмай у уйимизга бутунлай кўчиб келди. Мен унгача онамнинг ҳамма кийимларини, тақинчоқларини яшириб қўйдим. Отамга жаҳл қилиб хонамнинг эшигига қулф ясаттириб олдим. Сабоҳат опага сира мурожаат қилмасдим, бирга ўтирмасдим ҳам. Улар бирга ўтиришган бўлса, магнитафонни баланд қилиб қўярдим. Кейинчалик орамиздаги душманлик авж олди. Энди ўгай онам овқат қилса, менга олиб қўймас, қолган овқатларини ҳам очиқ-ойдин ахлатга ағдариб ташларди. Мен эса ҳаммаёқни ёғ ҳидига тўлдириб ўзимга овқат қилардим. Бу орада мактабни ҳам тугатдим. Битирув оқшомига онамнинг оқ кўйлагини кийиб бордим. Ҳамма ўртоқларимнинг ота-оналари, яқинлари келиб ўпиб табриклашар, мен эса бир четда бағримга бир даста гулни босганимча кўзларимдан дув-дув ёшимни оқизиб турардим.

Ўгай онам билан апоқ-чапоқ бўлиб олгани учун отамни ҳам кўрарга кўзим йўқ эди. Шундай қилиб ўқишга кириш учун ҳаракат қила бошладим. Ҳужжатларимни тиббиёт коллежига топширдим. Омадим кулиб ўқишга, бюджет ҳисобига кириб олдим. Энди оз бўлса-да, стипендиям билан яшашим, отамнинг ёрдамидан воз кечишим мумкин эди. Онамнинг кийимларини ўзимга тўғрилаб олиб, киярдим. Аммаларим келишса ҳам эътибор бермасдим. Ўгай онам эса ҳаммага эшиттириб мени ёмонлаб ўтирарди.

Бу вазият жонимга тегиб, ётоқхонага кўчиб кетишга қарор қилдим. Буни отамга ҳам айтмадим. Онам ва ўзимга тегишли нарсаларимни олиб ҳеч ким йўғида кўчиб кетдим. Энг алам қиладигани шундаки икки кун уйга келмасам ҳам отам мени излаб бормади. Роса йиғладим. Янги йилга уч кун қолганда қарасам ётоқхонам эшигида отам турибди. У мени уйга олиб кетмоқчи бўлди, кетмадим.

- Ўша аёлни ҳайдаб юборинг, отажон! У сизга ҳам ёмонлик қилади, - деб ялиниб-ёлвордим. Отамнинг жаҳли чиққандек бўлди. Хайрлашмасдан ҳам кетиб қолди. Янги йил куни кимсасиз ётоқхонада бир ўзим қолдим. Аламимни дарс қилишдан олардим. Аълочи бўлишга ҳаракат қилардим. Ниятимга етиб, энг юқори стипендия оладиган бўлдим. Бир куни автобусда аммамни кўриб қолдим.

- Уйдан кетганмишсан... Қиз бола бўлсанг, ёлғиз яшашга уялмадингми? Отангнинг бошини эгдинг-а? Ҳали сени ким олар экан? Онаси йўқ шум етимчани? Сабоҳат сенга онанг ўрнига она бўларди. Унга осон тутмаслигинг керак эди. Отангнинг ўрнида ўзим бўлганимда индамай қўйиб қўймасдим, аммам дема мени бундан кейин, - дея кўнглимни тилиб-тилиб тушиб кетди.

Онам ўлсин дебмидим, ахир? Нега одамлар бунча бешафқат? Ўз яқинларим шундай бағритош бўлишса, кимга бош урай?

Отам гоҳ-гоҳида келиб берадиган пулларини, стипендиямни ишлатиб, онамнинг кийимларини кийиб ўқишимни ҳам битириб олдим. Кейин институтга киришни орзу қилдим. Бу дунёда бошқа овунчоғим бўлмагандан кейин нима ҳам қилардим?

Айни имтиҳон топшириб юрган кунларимнинг бирида отам келди. У илгаригидек ўктам эмас, афтодаҳолгина эди. Кўзимга қариб қолгандек туюлди. Мени қучоқлаб, пешонамдан ўпаркан, кутилмаганда йиғлаб юборди. Сир бой бермасамда, унга ачина бошладим. Бир нарса рўй бергани аниқ эди. Уни елкасидан қучоқладим.

- Нима бўлди, отажон? Тинчликми ишқилиб? Соғлиғингиз яхшими? - деб сўрадим. Нима қилай, ҳар қалай у отам эди-да.

Отам анчагача жим ўтирди. Кейин бошидан ўтганларини гапира бошлади. Маълум бўлишича мен кетганимдан кейин ўгай онам ўғлини олиб келибди. Отамга теккунча ўғли борлигини яшириб юрган экан. Менинг хонамга жой қилиб беришибди. Ўгай онам отамнинг маошини санаб олиб, ўғлига кийимлар қилиб, тақинчоқлар сотиб олармиш. Отамнинг кийимлари анчагина уриниб қолган, ўзининг ҳам мазаси йўқдек кўринарди.

Иккаламиз анча гаплашиб ўтирдик.

-Тез-тез келиб туринг, отажон! Мен сизни яхши кўраман, - дедим.

Отам маъюсгина бош ирғаб кетди. Мен ҳамма имтиҳонларимни топшириб бўлиб, натижасини кутаётгандим. Етишмовчиликлар қийнаб юборгани учун поликлиникага тунги ҳамшира бўлиб ишга кирдим. Орадан кўп ўтмай аммам кўргани келди. Кўриши билан жавраб, ўгай онамни ёмонлай бошлади. Маълум бўлишича, биз яшаётган уйимизни ўғлининг номига ўтказиб олиб, отамни рўйхатдан ўчириб ташлаганмиш. Аммам, холам бориб жанжал қилишгани билан иш чиқмабди. Адвокат ёллашган экан, ўгай онамнинг иши қонуний, деб топилибди. Шундай қилиб отам ўзи билмаган ҳолда уй ҳужжатларини ўгай ўғлига "ҳадя" қилиб берган экан. Унинг дарди ичида, ўзидан ўтганини ўзи билиб юрган кунларининг бирида қаттиқ касал бўлиб қолди. Уни касалхонага ётқизишгандан сўнг бу воқеани эшитдим. Ўзим ишлайдиган касалхонага олиб келиб, шифокорлар билан гаплашиб, қўлимиздан келганча даволатдик. Кейин у уйга қайтди. Уни кўргани уйга бора олмасдим. Бир гал хавотирим ошиб борганимда ўгай акам менга тегажоғлик қилмоқчи бўлди. Тўшакда ётган отамга қайдандир куч келиб, бир уриб уни йиқитди. Мен эса пайтдан фойдаланиб уйдан чиқиб кетдим. Кейинчалик эшитсам у аблаҳ отамни ўша куни роса уриб, тепиб калтаклаган экан. Мен эса чидай олмай бориб аммам билан уришдим. "Топган хотинларингдан отамни ажратиб беринглар. Унга ўзим ғамхўрлик қиламан", - деб ялиндим. Бу гапни эшитган ўгай онам ажрашишга жон деб рози бўлибди. Отам эски-туски кийимларини битта жомадонга солиб аммамникига келибди. У ерда ҳам қанча турарди? Иккита келини, набиралари бўлса? Нима бўлса ҳам отам бўлгани учун уни ўзим яшайдиган ижара уйимга олб келдим. Тўрт хонали уйимиз, қимматбаҳо жиҳозларимиз бўла туриб бировнинг эшигига сиғинди бўлиб қолдик. Мен энди бошқаларнинг ўрнига ҳам навбатчилик қилиб, кўпроқ пул топишга ҳаракат қилардим. Айтгандек, бу орада мен ўқишга, ТошМИга кириб олгандим. Стипендиям ижара ҳақига кетар, ойлик маошимгина яшашимиз учун қоларди. Отамни аммамнинг уйига рўйхатдан ўтказиб пенсиясини тўғриладим. Баъзан отамнинг шу қадар бўш-баёвлигидан, ўгай онамнинг нозкарашмаларига учиб уйсиз қолганидан аччиғим чиқарди. Аммо, ҳар икки кунда иситмаси чиқадиган, менинг қўлимга қарам бўлиб қолган отамга ачинардим ҳам. Шундай амал-тақал қилиб яшаб юрган кунларимизнинг бирида отам вафот этди. Тун бўлганига қарамасдан аммамнинг уйига югурдим. У жон ҳолатда ўгай онамга қўнғироқ қилди.



- Ўзи меҳнат қилиб олган уйи бўла туриб, ижара уйдан ўлиги чиқармишми? Ҳозир бориб уйдан ҳайдайман, - деди аммам кийинаркан. Бошқа қариндошларимиз ҳам бирин-кетин етиб келишгач, бирга уйимизга бордик. Ширин уйқуда ётган ўгай онам эринибгина эшикни очди.

- Сабоҳатой, сизни бу уйга биз олиб келгандик. Керак бўлса ўзимиз чиқариб юборамиз. Қани уйга жой қилинглар. Тоҳирнинг жасадини шу ерга олиб келамиз, - деди.

Анграйиб қолган ўгай онам кўрдики иш чатоқ. Кийиниб чиқиб кўрпача солди. Мен эса неча йиллардан буён биринчи марта кирганим азиз ва онамни эслатувчи уйимнинг деворларини силаб-сийпаб йиғлардим. Жиҳозларимиз ҳам ўша-ўша. Фақат энди уйимиздан бегона аёлнинг ҳиди келарди. Машинада отамнинг жасадини олиб келдик.

Отамнинг маъракалари ўтгунча, амма-холаларим билан шу ерда яшадик. Ўгай онам мен билан гаплашмас, тўқнашиб қолсак қошларини чимириб оларди. Мен ҳам тўнимни тескари кийишга тушгандим. У билан силтаб гаплашар, уйимизда мен ҳам рўйхатда турганлигим учун керак бўлса уйимизни тортиб олишим мумкинлигини таъкидлардим. Шундай қилдим ҳам. Ўгай онам эса бу иш яхшилик билан тугамаслигини билиб яхши гапира бошлади. Ўғли эса ғашимни келтириб, тикилиб-тикилиб ўтирар, дуч келганда бирор жойимга суйкалиб ўтиш учун интиларди. Ўгай онам эса аммаларимга мени келин қилмоқчи эканлигини айтибди. Уларни судга берганимда уйнинг икки хонаси менга тегишли эканлиги, уйни иккита икки хонали уйга алмаштиришимиз мумкинлигини айтишди. Менга қолса катта сарой қуриб беришса ҳам онам билан отамнинг руҳи чирқиллаб юрган бу уйни ҳеч ким билан бўлишмасдим. Лекин ижарада яшаш жонимга текканлиги учун рози бўлмай иложим йўқ эди. Ўгай онам аммам билан бирга менга яхши жойдан, таъмирланган уй кўриб келишди. Уйни бориб кўрдим, у менга ёқди. Бироқ, уйни менга олиб берган ўгай онам ўша ерда яшаб қолаверишди. Жиҳозларимизнинг ҳаммасини жанжал - тўпалон билан олиб чиқдим. Онамнинг қўли теккан буюмларини уларга қолдиришни асло истамасдим. Шундай қилиб яна ёлғиз қолдим. Ҳар қалай энди бошпанам бор. Биров мени кўчага қувишидан чўчимасдим.

Аммо, баъзан ота-онам билан ўтган бахтли кунларимни эслаб, уларни соғиниб йиғлаган кезларим қандай қилиб ўша уйимизнинг олдига бориб қолганимни билмайман. Қорми, ёмғирми сезмасдан соатлаб ёруғлик тушаётган деразага тикилиб тураверaман... Йиғлайман. Наҳотки бахт шу қадар тез тугаса?

Институтни битириб шифокор бўлиб ишлай бошладим. Бир куни беморларни қабул қилаётсам олдимга бир аёлни олиб келишди. Кимдир калтаклаган, бунинг устига кўр ичаги ёрилиб кетган экан. Консилиум қилиб шуларни аниқлагач, уни операцияга жўнатдик. Ҳужжатларига қарасам таниш манзил! У ўгай онам экан. Эртасига ичиб олган ўғли келиб, яна онасини ҳақоратлабди.

Ўгай онамнинг қилмишига яраша Оллоҳ шундай бемеҳр ўғил билан жазолабди. Дунёдаги ҳеч бир ноҳақлик, разиллик жавобсиз қолмас экан.

**Мунирахоннинг сўзларини**
**Авезжон БЕКМУРАТОВА**
**ёзиб олди.**

Oila va jamiyat № 23 (762) 8 июн — 14 июн 2006 йил Оила ва жамият 

**Газетамизнинг ўтган сонида кейинги йилларда дунё миқёсида кенг тарқалиб бораётган аллергик касалликлар борасида таниқли аллерголог олим, тиббиёт фанлари доктори, профессор Эргаш Салимов билан суҳбат эътиборингизга ҳавола этилган эди. Бугун эса замонавий тиббиёт ва халқ табобати усуллари ёрдамида аллергик касалликларни даволаш ва улардан сақланиш бўйича фойдали маслаҳатлар билан танишасиз.**

# АЛЛЕРГИЯ– ОДДИЙ КАСАЛЛИК ЭМАС

***Соғлом тана ҳеч қачон овқат, дори-дармон, гул ёки уй чангига, ҳайвонлар мўйига дерматит, аксириш, астма каби кўринишларда реакция бермайди. Мабодо, баъзи-баъзида, дейлик, бир пиёла сут, бир-икки таблетка дори ичганингиздан, бирорта мевани еганингиздан сўнг ўзингизда нохушликлар сезсангиз, билингки, сизда аллергик касалликлар бошланаяпти. Лекин аллергик касалликларда мутахассис билан маслаҳатлашмай, ўзбошимчалик билан даволанишга уриниш ярамайди. Яхшиси табобатхонада тегишли таҳлиллардан ўтиб, аллергиянинг қайси тури сизни безовта қила бошлаганини аниқлаб олинг.***

**Гул мавсуми келганда**

Баҳорда ва ёзнинг дастлабки ҳафталарида дарахт ва ўсимликлар гуллаши билан қўзғатувчиси гул чанги бўлган аллергик касаллик -поллиноз кўпаяди. Энг сўнгги маълумотларга кўра, ер шари аҳолисининг 20 фоизи поллинноздан азият чекади. Унинг асосий белгилари: аллергик ринит, тинимсиз аксириш, бурун қичиши ва сув келиши, кўз қизариши, қичиши ва ёшланиши. Ҳаво ҳарорати ва атмосфера босими кўтарилиши, шамол бўлиши билан ҳавода чанг микдори ошади. Аксинча, ёмғир ёғаётганда ва ундан кейин намлик юқори бўлганда, шамолсиз кунлари чанг сезиларли даражада камаяди.

Қоқи ўтига аллергиянгиз бўлса, гул мавсумида цитрус мевалардан, кунгабоқар ёғидан, мойчечак, иттиканак (череда), туятовон (мать-и-мачеха) каби доривор гиёҳлардан ўзингизни тийиб турганингиз маъқул.

Шувоқ(ёвшан) гуллаганда тана мойчечак, иттиканак (череда), туятовон(мать-и-мачеха) каби доривор гиёҳларга, асал, цитрус мевалар, холва, кунгабоқар ёғига ҳам аллергия бериши мумкинлигини унутманг.

Олабута (шўра)га аллергиянгиз бўлса, у гуллайдиган маҳалда қизил лавлаги ва исмалоқ ейиш мумкин эмас. Чунки улар алергияни янада кучайтириб юбориши мумкин.

Замонавий тиббиёт аллергияга қарши антигистамин дорилар ва аллерговакцинация (эмлаш)ни тавсия этади. Аллерговакцинация юқумли касалликларга қарши биз биладиган одатий эмлашдан кескин фарқ қилади. Чунки юқумли касалликларда уч мартагача эмлаш кифоя қилса, аллергияда 1 йилдан 3 йилгача вақтни олиб, маълум муддатларда жами 40 дан ортиқ укол қилинади.

Аллергияга қарши хапдори (таблетка)лар эса турига қараб, маълум муддатларда истеъмол қилинади. Хусуcан, шифокорлар беморларга задитен ва кетотифенни гул мавсумидан 2-3 ҳафта олдин, эриус, кларитин, кестин, зиртекни эса бевосита гул мавсумида тайинлашади. Поллинозда эриус, кларитин, кестин, зиртекдан 1 ойдан 3 ойгача узлуксиз фойдаланиш мумкин. Апотик дерматит оқибатида танада шишлар пайдо бўлса, эшак еми, қичима тошса супрастин, тавегил, пенкарол яхши самара беради. Чунки улар тез таъсир этиш хусусиятига эга.



Бу дориларни фақатгина шифокор тавсияси билангина ичиш керак. Чунки улардан замбуруғли тери касалликларига қарши ишлатиладиган дорилар ҳамда айрим антибиотиклар билан бир вақтда фойдаланиш жигарга салбий таъсир этиши мумкин.

"Ёқтирмайдиган" ўсимлик ёки дарахтингиз гуллайдиган пайтда дори-дармонлар билан даволанишдан ташқари қуйидаги тавсияларга ҳам амал қилсангиз, самара янада кўпроқ бўлади:

● тамаки маҳсулотлари чекишни кескин чеклаш керак;

● уйда ҳаво тозалаш ва намлаш учун қўлланиладиган воситалардан фойдаланиш лозим;

● ёмғирли кунларда, ёмғирдан кейин ва шамолсиз кунларда сайрга чиқиб туриш керак;

● кўчадан келганда албатта кийимни алмаштириш, ювиниш, оғизни чайиш зарур;

● косметика воситалари: атирупа, лак ва бўёқлардан имкон қадар камроқ фойдаланиш лозим;

● уй ва ишхонангизда эшик ва деразаларни иложи борича ёпиқ тутиш керак;

● хоналарни фақат кечаси - ҳавода чанг миқдори кам бўладиган пайтда шамоллатиш зарур;

● эшик ва деразаларга намланган мато ёки тўрт қават букланган дока тутиш лозим;

● ҳар куни хоналарни намлаб артиб, тозалаб туриш керак.

Шунингдек, поллинозда асал ейиш, уй ва ишхонангизда хона ва дала гуллари ўстириш тавсия этилмайди. Қолаверса, бу пайтда уй чанги, дори-дармонлар, ҳайвонлар жуни ҳам аллергияни кучайтириши мумкинлигини унутманг.

**Болаларда аллергик касалликлар**

Мабодо, оилада ота-оналардан ҳар иккаласида аллергик касалликлар бўлса, фарзанднинг ҳам аллергияга чалиниши эхтимоли 75 фоизни, ота-оналардан фақат биттасида аллергия бўлса, бундай эхтимол 50 фоизни ташкил этади.

Овқат аллергиясининг болалар орасида энг кенг тарқалган тури йирингли диатез бўлиб, у айрим ҳолларда чақалоқ туғилгандан кейин 2 ҳафта ўтибоқ пайдо бўлиши мумкин ҳамда бир неча ой ичида тери касалликларининг бошқа турларига айланиши ҳеч гап эмас.

Аллергия бола танасининг барча орган ва тўқималарини зарарлаши мумкин, яъни:

● <u>**терини**</u> - эшак еми, қичима, яллиғланиш шаклида;

● <u>**кўзни**</u> - шиллиқ пардасининг яллиғланиши кўринишида;

● <u>**бурунни**</u> - аллергик ринит касаллиги билан;

● <u>**ўпкани**</u> - бронхиал астма шаклида;

● <u>**юракни**</u> - ревматизм кўринишида;

● <u>**суякларни**</u> - артрит билан;

● <u>**конни**</u> - анемия(камқонлик) шаклида;

● <u>**буйракни**</u> - яллиғланиш кўринишида.

Болалардаги аллергик касалликларда ташхис қўйиш анча узоқ вақт талаб қилади. Айрим ота-оналар бундан норози ҳам бўлишади. Аслида норозиликка асос йўқ. Чунки аллергия қўзғовчилар қанчалик тўғри ва тўлиқ аниқланса, бола истеъмол қилиши мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотлари турлари ҳам шунчалик тўлиқ белгиланади.

Аллергик касалликларни даволашнинг муҳим шартларидан бири боланинг овқатида ёки уни ўраб турган атроф-муҳитда аллергенларнинг бўлмаслигидир. Аммо баъзи ота-оналар шифокор таъқиқлаганига қарамай, фарзандларига ейиш мумкин бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотларидан "озроқ татиб кўриш"га рухсат берадилар. Танага тушган озгина аллерген ҳам бутун муолажани йўққа чиқариши мумкин.

<u>**Бронхиал астма**</u>га одатда ота-онасидан бири аллергик касалликлар билан оғриган болалар кўпроқ чалинадилар. Катта ёшдагилардан фарқли ўлароқ болаларда бронхиал астма бирданига бошланмайди. У юқори нафас йўллари яллиғланиши ва ринитнинг изидан келади. Бронхиал астмани даволашда бемор оқсиллисабзавотли пархезга риоя этиши талаб этилади. Сут ва сут маҳсулотлари истеъмол қилиш умуман мумкин эмас. Шунингдек, танани уқалаш, нафас гимнастикаси, югуриш, велосипед ҳайдаш, совуқ сувда ювиниб, бадан қизаргунча артиниш ҳам тавсия қилинади.

Эрталаб оч қоринга анжирни сут ёки чойга қўшиб ейиш яхши самара беради.

"Дориларсиз ҳаёт" асарида бола астма туфайли бўғилиб қолиб нафас олишга қийналса, қуйидаги машқларни бажариш тавсия этилган:

● 3-8 дақиқа давомида совуқ сувда чўмилиш(сув қанча совуқ бўлса ва унинг тагида бола қанча кўп турса, шунга яхши);

● 3-4 дақиқа ярим яланғоч ҳолда ва яланг оёқ юриш ҳамда табиий нафас олиб, йўтал билан томоқни тозалаш;

● кўкрак қафасини уқалаш(силаш, шапатилаш, силташ) - 6 дақиқа;

● жисмоний машқлар бажариш - 6 дақиқа;

● товонни уқалаш - 2 дақиқа;

● кунига 2 маҳал сувли процедуралар билан бирга юзни уқалаш.

Халқ табобатида бронхиал астмани даволашда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

**1.** Шолғомни майдалаб, 10 дақиқа қайнатилади. Кунига 3-4 маҳал 100 миллилитрдан ичиб туриш керак.

**2.** Қизилпойча(зверобой)дан 1 ош қошиғини 300 миллилитр қайноқ сувда бир соат дамлаб қўясиз. Ҳар куни 3-4 маҳал 30-40 миллилитрдан истеъмол қилиш лозим.

**3.** Бодрезак(калина) қайнатмасига асал аралаштириб, кунига 3 марта бир ош қошиқдан ичилса, йўтални юмшатади, балғам кўчишини осонлаштиради.

**4.** Туятовон(мать-и-мачеха) барглари дамламасидан бронхиал астма, ларингит, сурункали бронхитни даволашда фойдаланилади. Бунинг учун 4 чой қошиқ майдаланган баргни бир стакан қайноқ сувда 1 соат дамлаб қўйинг. Кунига уч маҳал 50 миллилитрдан ичиш керак.

<u>**Терига турли тошмалар тошиши билан кечадиган аллергик касалликларда**</u> ҳам халқ табобати усулларидан самарали фойдаланиш мумкин. Хусусан:

**1.** 2-3 ош қошиқ мойчечакни қуюқ ҳолга келгунча қайнатиб, иссиқ пайтида тоза матога ўраб зарарланган ерларга қўйилса, ревматизм, чилла яра-(экзема) ва эшак еми касалликларига даво бўлади.

**2.** Ревматизмда қизилпойча (зверобой) ёғини оғриётган жойга суртиш тавсия этилади. Ёғни қуйидагича тайёрлаш мумкин; ўсимликнинг барглари билан қўшиб узилган гулларидан 500 грамм олиб, 1 литр кунгабоқар ёғи ва 0,5 литр оқ винода 3 кун тиндириб қўйилади.

**3.** Ширинмия(солодка) антиаллергик фаолликка эга ўсимликлар сирасига киради. Ундан олинадиган "глицерам" номли доридан эшак еми, аллергик дерматит кабиларни даволашда фойдаланилади.

<u>**Экзема**</u> халқимиз орасида "чилла яра" номи билан аталади. Уни даволашда ҳам турли гиёҳлардан кенг фойдаланилади. Масалан:

**1.** Карам баргини тухум сариғига аралаштириб ейиш намли экземада яхши самара беради.

**2.** Янги узилган қулупнай ва ертут(земляника)ни эзиб, аралаштириб, яра чиққан жойга боғлаш керак.

**3.** Ловияни талқон қилиб туйиб, яра чиққан жойларга сепиб чиқиш лозим.

**4.** Хинанинг майда туйилган гул ва баргларини қайноқ сувда қуюқ аралашма ҳолига келгунча қориштириш керак. Сўнг уни тананинг яра тошган жойларига суртиб чиқинг.

**5.** Қариқиз(лопух) ва қоқи ўтдан 1 ош қошиқдан олиб, 3 стакан сувда туни билан бўктириб қўйилади. Эрталаб 5 дақиқа қайнатиб, дамламадан кунига уч маҳал 1/3 стакандан ичилади.

**6.** Барча аллергик тери касалликларида ҳар куни овқат билан пиёз ва саримсоқ ейиш тавсия этилади.

**7.** Ёш толнинг пўстини қуритиб, ундан тайёрланган қайнатма билан яра чиққан жойни ювиб туриш керак. 3-4 муолажадан сўнг ижобий ўзгаришни сезасиз.

**ЭСЛАТМА: Саҳифада номлари келтирилган гиёҳларни дорихоналардан сўрашингиз мумкин.**

**ДАРМОН** тайёрлади.

**Ёшим 31 да.** Ҳали турмушга чиқмаганман. Зиёли оилада туғилганман. Ҳар бир инсон ўз бахтини ўзи яратмоғи кераклиги жоиз деб билдим ва газетага мурожаат қилиб, ўз дидимдаги инсонни топишга умид боғладим. Зора, менинг кўнглимдагидек инсон учраб, бахтли ҳаёт кечирсак...

**Манзилим таҳририятда.**
**АСАЛ, Бухоро.**




Ўртоғим соғлом ва бақувват, маданиятли, гаплари маъноли, келишган қадди-қомати ҳар қандай аёлга маъқул келади. Аммо ҳаёт уни жуфтидан эрта айирганига ачинасан киши. Мўмин-қобил фарзандлари, мулозаматли келинлари эъзозида бўлса-да, кўнгли ёлғиз дўстимнинг қариганда ҳамроҳ бўлиб яшайдиган аёли бўлса дейман. Оқибатли, покиза, фарзандларидан тинчиган, Бухорода яшайдиган аёл керак. Дўстимнинг барча шароитлари муҳайё. **Ёши 65 да.**

**Манзилим таҳририятда.**
**ДАВРОН, Бухоро.**

Қўл остимда ишлайдиган Нозима исмли қиз муомаласи, одоби билан бошқа қизлардан ажралиб туради. Аммо, сал тўлалиги сабабли бахти очилмаяпти. Шундай тарбияли, саранжом қизнинг ёши ўтиб кетмасин, деб газетага мурожаат қилдим. Ўзи каби хушхулқли, тўлароқдан келган тенги чиқиб қолар.

**Манзилим махририятда.**
**САРВИНОЗ, Тошкент.**

Аёлимнинг бевақт ўлими мени ғамга кўмиб қўйди. Чунки у ниҳоятда лобар аёл эди. Эркак кишига ёлғизлик оғир экан. Балоғат ёшидаги фарзандларимга онанинг парвариши керак. Шунинг учун ҳам оқила, фарзандсиз аёл бўлса уйланиш ниятидаман. **Ёшим 41 да.** Фақат у аёл Қуйи-чирчиқ туманига яқин жойдан бўлса яхши эди.

**Манзилим таҳририятда.**
**ПИРНАЗАР, Тошкент вилояти.**

Синглимнинг гўзал чеҳраси, одоби ва меҳнаткашлигини кўрган инсоннинг ҳаваси келади. **Ёши 23 да.** Афсуски, унинг бахтли келинчак бўлишига ўзига боғлиқ бўлмаган биргина айби тўсқинлик қилади. Болалигида йиқилганлиги сабаб оёқлари хаста бўлиб қолган. Соғлом одамлардек юра олади-ю, лекин оёқлари оғрийди. Шунинг учун уни тушунадиган, ардоқлаб яшайдиган инсон топилар деган умидда газетага мурожаат қилдим.

**Манзилим таҳририятда.**
**ҲУЛКАР, Тошкент.**

Кенг ҳовлим, айвони билан 6 хонали икки уйим бор. Ҳовлим мевали дарахтларга бурканган. Уйимнинг икки томонидан сув ўтади. Ҳозир пайғамбар ёшига етаяпман. 40 йиллик ёстиқдошимдан айрилганман. Охирати обод бўлсин. Меҳмондўст, олийҳиммат аёл эди, раҳматлик. Соғлигим яхши. Беш келиним беш жойда уйлари бир-бирига яқин яшашади. Улар бир-бирларига меҳрибон. Катта ҳовлида менга радио билан телевизор ҳамроҳ. Худога минг бор шукр, ҳали рўзғорим узилган жойи йўқ. Соғин сигирим, бузоқларим ҳам бор. Фақат бир кўнгил етар жуфтим бўлса эди.

**Манзилим таҳририятда.**
**ШУҲРАТ, Тошкент вилояти.**

Овсинимнинг **28 ёшли** қизи ҳали турмушга чиқмади. Дуркунгина, жуда оддий, одобли ва олий маълумотли қизнинг бахти очилишини жуда-жуда хоҳлардим. Чунки, у соғлом фарзандлар кўриш, ҳамфикр умр йўлдош ва оқибатли келин бўлишга лойиқ қиз. Ажрашган бўлса-да, фарзанди йўқ, ўқимишли, баланд бўйли инсон бўлса учраштирардим.

**Манзилим таҳририятда.**
**ДИЛОБАР, Тошкент.**

Бундан уч йил олдин шу газета орқали танишиб, оила қургандим. Бир қизчанинг ота-онаси бўлиб, тотув оилада яшаяпмиз. Мақсадим укамни ҳам яхши бир қиз билан таништириш. У **30 ёшда,** уйланмаган, бўйи 180 см. Тадбиркор, уй-жойи бор. Биз қидираётган қиз асли тошкентлик, 25 ёшгача, бўйи баландроқ, озғин бўлмаган, ҳовлида улғайган бўлиши керак.

**Манзилим таҳририятда.**
**МУНИРА, Тошкент.**

Олий маълумотлиман. **Ёшим 37 да.** Ажрашганман. Бир нафар фарзандим онаси билан кетган. Алоҳида икки хонали уйда яшайман. Ижодкорман. Келажакда пойтахтга келиб ишлаш ниятим бор. Табиатан ҳазилкашман. Бир оилани соҳиби бўлиб, бахтли ҳаёт кечиришни истайман. Олий маълумотли, мен каби ҳаётда юлдузини учратиш истагида бўлган аёл билан танишмоқчиман. Бир нафар фарзанди бўлса ҳам, вилоятлардан ёки пойтахтлик бўлса яна ҳам маъқул.

**Манзилим таҳририятда.**
**ФЕРУЗ, Қашқадарё вилояти.**

**Ўғлим 35 ёшда.** Маълумоти олий, иши тайин. Хотини билан ажрашган. 10 ёшли ўғли бор. Бахтли бўлишни истаган, 30 ёшгача бўлган олий маълумотли, маданиятли, тарбия кўрган, хушфеъл қизни келин қилиш ниятидаман.

**Манзилим таҳририятда.**
**МАДИНА, Тошкент.**

**Ёшим 25 да,** ажрашганман. 3 яшар ўғлим бор. Турмушимда кўп қийинчилик кўрганман. Қўлимда ҳунарим бор. Пишириқлар пиширишни яхши кўраман. Чиройим ҳам жойида. Фақат бахтим кемтик. Қанийди, шу кемтикни тўлдирадиган инсонни учратсам...

**Манзилим таҳририятда.**
**МУҲАЙЁ, Самарқанд.**

Ўртоғимнинг **32 ёшли** ажойиб бир қизи бор. У ниҳоятда дидли, босиқ табиатли қиз. Олий маълумотли, масъул лавозимда ишлайди. Аммо ҳалигача тенгини учратмади. Тошкентда яшайдиган, ўзи каби ўқимишли, маданиятли, 40 ёшгача бўлган эркак бўлса оила қурарди.

**ШОИРА,**
**Тошкент вилояти.**

**50 дан ошиб** турмушим бузилади, деб ҳеч ҳам ўйламагандим. Лекин тақдирда бор экан. Ҳозир ёлғиз ўзим яшайман. Менга 48 ёшгача бўлган, эрни ҳурмат қиладиган, пойтахтда яшайдиган, асли вилоятлик, покиза аёл керак.

**БАҲРОМ, Тошкент.**

**Ёшим 50 га бориб қолди.** Шу ёшгача яхши жойларда ишладим, яхши дўстлар орттирдим. Фарзанд кўрдим. Аммо ишонган умр йўлдошимдан бевафолик топдим. Ҳозир кенг ҳовлида ёлғиз яшайман. Шароитим етарли-ю, аммо қалбим бўм-бўш. Замонавий, нозикроқ, маданиятли, 35 ёшгача бўлган, яъни фарзанд кўрадиган бефарзанд аёл билан турмуш қурмоқчиман. У юртимизнинг қайси гўшасида бўлса-да, Тошкентга олиб келаман.

**Манзилим таҳририятда.**
**СУЛТОНБЕК, Тошкент.**

**Ёшим 50 да.** Турмуш ўртоғим қазо қилган. Битта ўғлим ўзидан тинган. Агар фарзандларидан тинган, ёши 60 гача бўлган, тошкентлик, ёлғиз яшашга имконияти бор инсон бўлса танишмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**
**ҲУЛКАР, Тошкент.**

**Ёшим 35 да.** Ҳайҳотдек ҳовлида онам билан тураман. Ҳамма имкониятим етарли. Хотиним билан муросамиз келишмай ажрашдик. 2 фарзандим аёлимда. Менга ёши 35 гача бўлган, фарзанд кўрмаган, тушунган аёл керак.

**Манзилим таҳририятда.**
**Шуҳрат, Тошкент.**

Ҳаётда алданиш, қоқилиш ёмон экан, бу дарз кетган кўнгилни ҳеч нарса асл ҳолига қайтара олмас экан. Айрим нияти қора одамларнинг сайи ҳаракати орқали 55 кун яшаб ҳаётим барбод бўлди. Тўйдан олдин бошқа, тўй куни бошқа одамни кўрдим.... **Ёшим 28 да.** Нуфузли олийгоҳ талабасиман. Лекин ёлғизликдан зерикдим. Ўзимнинг ёшимга мос дунёқараши кенг, лафзи ҳалол, кишини изламоқдаман.

**КУМУШ.**

### БИЛИБ ҚЎЙИНГ
*ёхуд рашк*

Отамни яхши кўрган одамларни яхши кўраман. Ҳузурига пешвоз юрар эканман, ёноғимга ёшлар қуюлиб келаверади: Отамни кўрган кўзларингиздан айланай...

Она, Онажон! Оҳ, агар Сизни яхши кўрсалар борми, мен уларнинг пойида гард бўлиб кетгим келади.

Яқинларимни яхши кўрсалар бошим осмонга етиб, кўнглим фахрга тўлади.

Лекин Сизни... Сизни яхши кўрсалар борми, рашкнинг зўридан қароғларим куйиб, қорайиб ва охири ёниб кетади. Дилда нафратдан, аламдан тутун, муҳаббат шамолга соврилиб кетади!

* * *

### СОҒИНЧ

Олмалар гуллаган, ой кўрғонлаган ойдин оқшомларда тушларимдан келар овозларингиз:

- Мени унутиб юбордингиз-а?..
- Йўқ, куйиб-куйиб адо бўлдим...

* * *

### БОЗОРДАГИ ҲИЗР БОВА



- Ота, шолғомни кўпроқ солдингиз, мен икки кило олаяпман.
- Ҳай, олавер, майли.
- Ахир меҳнатингиз сингган...
- Ўб-бў меҳнатим сингса, кўклам эксам, яна кўкариб чиқади, лекин сен билан биз қайда, қизим?..

* * *

### СЕЗГАНМИСИЗ

Оқар дарёнинг ичида биттаям қиррали, ғадир-будурли тош йўқ. Ҳаёт ҳам бамисли азим дарё экан, не не асовларниям, ўжарларниям ювиб-ювиб, текис, силлиқ қилиб қўяркан.

* * *

### ЭНДИ ДОҒ ТУШДИ

... Пир деб билганларим кир бўлиб чиққанидан ва бу кирликлардан кундан-кун кирланиб, қорайиб- қоронғулашиб бораётган дилим, мажруҳ бўлиб қолган дилим, келажак зарбларга бардошинг етармикан?..

"Оппоқ эди бошда бу дунё..."

* * *

### НИСБИЙЛИК НАЗАРИЯСИ

Ўзингдан фахрланишинг учун бир умр ҳам камлик қилади. Арзимаслигингни англаш учун эса бир сония кифоя.

* * *

## «Ҳаёт фалсафаси»

### ИТ ВАФО



- Хола, амаким тузалиб қолдиларми?
- Э, келин, энди тузалганда ҳам сонга кирармиди. Ўлса тезроқ ўла қолсайди. Пулимиз ҳам оз қолди...

### ОСМОНГА ТУФЛАСАНГ...

Бароққош бошлиқ даврада ким йўқ бўлса бас, сабаб-бесабаб ёмонлайверарди. Ҳар гапини "Падарингга лаънат" билан бошлаб, "Падарингга лаънат" билан тугатарди.

Эрталаб бир ходим ҳамхонасидан аста сўради:

- "Падарингга лаънат" борми?..

* * *

### ТАН ОЛИНГ

Оллоҳ инсонни синаб кўради, дейишади. Лекин бандасининг ичу-таши Ўзига аён эмасми?

Аслида инсонни инсоннинг ўзига синатиб кўраркан, синатиб кўрсатаркан холос. Шундай, аё одамизод:

Отга солган айил бўл,
Тақдирингга қойил бўл!

* * *

### ҲАММА ЙИҒЛАЙДИ

- "Қари қизлар"ни ўқидингизми?
- Ўқидим, ўқидим. Ишқилиб, бу дунёда эрлилар ҳам йиғлайди, эрсизлар ҳам йиғлайди, ўртасида ўтириб бўй қизлар ҳам йиғлайди-я, товба...

* * *

### МАХФИЯТ

- Худонинг таёғи йўқ, урмайди, фақат кўрсатади.
- Қачон кўрсатади?!
- Дарров кўрсатсаям авлиё бўлиб қоламиз-да, бесабр банда!...

* * *

### СУҲБАТ

- Ўшанинг нимасини яхши кўрган экан-а?
- Яхши кўрганда унинг нарсасини яхши кўрмайди, фақат меҳри тортади, нодон!

* * *

### МУТАНОСИБЛИК

-Эр-хотин ҳар икки куннинг бирида кўчага чиқиб жанжаллашади-я? Лоақал бирови уялмасмикин?..

- Эшитганмисиз, ёр муносиб, ёр муносиб, ёр муносиб бўлмаса ўлдир осиб...

**Саъдина БОБОМУРОДОВА**

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00.
Босишга топширилди- 21.00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 832. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 13188
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — Д. ИБРОҲИМОВ
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ

1 2 3 4 5